



Ишонч — бебаҳо боғлик

13-бет

Ishonch

2008-yil
25 sentabr
№ 118
(2531)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Юртимизда юз билан юзлашган нуронийлар кўплаб топилади. Қизилтепалик Ҳамал момо Суюнова ана шундай табаррук ёшли инсонлардан бири.


Пири бадавлат онахон бу йил 105 баҳорни қарши олди. Бир асрлик тарихга гувоҳ момонинг ҳар бир сўзи ёшлар учун ибрат мактабидир. У умри давомида не-не қийинчиликларни бошидан ўтказмади дейсиз. Турмуш ўртоғи урушда ҳалок бўлгандан сўнг, 3 нафар фарзандини ёлғиз ўзи вояга етказди.

Улар ҳаётда ўз ўринларини топиб, элга наф келтирадиган инсонларга айланишди. Манғит қишлоғи аҳли бугунги кунда 30 дан ошиқ неварачеваралар ардоғида бўлган Ҳамал момо билан чинакамига фахрланишади.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар




Анонс




**Шошма,
ҳаддингдан
ошма...**

3-БЕТ



**Виждонни
нима
кутқаради?**

4-БЕТ



**Покланиш
соғинчи...**

5-БЕТ



Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

23 сентябр куни пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича олтинчи миллий саммит ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон, Буюк Британия, Германия, Корея Республикаси, Япония, Голландия, Россия, Литва, Қирғизистон, АҚШ ва бошқа давлатлардан АКТ-бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий ИТ-компаниялар раҳбарлари ҳамда мутахассислари — жами 400 нафарга яқин делегат иштирок этди.

Саммит мутахассисларга АКТ-бозори аҳволини таҳлил қилиб, ушбу соҳадаги янги ютуқлар билан танишиш, муҳим муаммоларни муҳокама қилиш ва уларни ҳал этиш йўллари

топиш, янги барқарор ва ишончли ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишда ёрдам беради.

Шунингдек, кеча ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида Ўзэкспо-марказда аънавий «ICTEXPO-2008» ахборот технологияларининг миллий кўргазмаси очилган бўлса, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Ахборотлашган жамиятни шакллантириш жараёнида ОАВ фаолияти» мавзусида медиафорум ташкиллаштирилди.

Бугун эса «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Замонавий босқичда ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш омиллари» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтади.



Иш керакми, марҳамат!

Бекор — бекордан худо безор деган гапни кўп эшитганмиз. Дарҳақиқат, бирор касб-хунарнинг этагини тутиб, шу юмуш орқасидан ҳаёт кечириш умрнинг сермазмун, тартибли ўтишига замин яратади.

Кеча Тошкент шаҳар Яккасарой туман ҳокимияти, туман прокуратураси ҳамда Бандликка кўмаклашиш маркази биргаликда «Қушбеги» мажмуасида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси»ни ташкил этишди.

«Ёшлар йили» давлат дастури ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Тошкент шаҳар идоралараро комиссияси баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган ярмаркада туманда жойлашган 2 та олий ўқув юрти, 6 та касб-хунар коллежи, ўрта мактабларнинг битирувчилари, 18 та маҳалланинг ишсиз фуқаролари, ҳарбий хизматни тугатган йигитлар қатнашди.

500 га яқин киши 20 дан ошиқ корхона ва ташкилотларнинг 901 та бўш ўринлари билан танишдилар. Таъкидлаш жоизки, шу кунгача ўтказилган 3 та меҳнат ярмаркасида 741 нафар фуқаро қатнашиб, шулардан 259 нафар киши ишга жойлаштирилган.

Севара ТУРҒУНОВА:

— Тиббиёт коллежини тугатганман. Ярмаркага онам ва дугоналарим билан келдим. Соҳамга оид бўш иш ўринлари билан танишиб, ҳамширалик учун бир неча вакант жойларни белгилаб олдик. Демак, яқин орада ишга жойлашишим мумкин.

Хуршид СУЮНОВ:

— Яккасарой туманидаги 127-мактабда ўқийман. Стоматолог бўлишни орзу қиламан. Шу касбни таълим олмақчиман.

Беҳзод ПИРМАТОВ:

— Расм чизишга қизиқаман. Дизайнерликка, клипмейкерликка ҳавасим бор. Балки рассомчилик бўйича таҳсил оларман. Ниятларим кўп...

Ҳар бир ёшнинг қалбида бирор соҳага қизиқишнинг борлиги яхши. Зеро, кўп такрорлаганимиз — эртанги порлоқ келажакимиз деганда мустақил фикрига эга, билимли, шиддатли, юрагида ўти бор йигит-қизларимиз назарда тутилади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Намуна» барчага намуна

«Намуна» Гулистондаги йирик маҳаллалардан саналади. Унда 5700 киши истиқомат қилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари «Ёшлар йили» давлат дастури доирасида худуддаги ёш оилалар, кам таъминланган хонадонлар рўйхатини тузиб чиқди. Уларга саховатпеша инсонлар бириктириб қўйилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, касб-хунарга тайёрлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга катта эътибор қаратилаяпти. Ш.Юсупова, Ҳ.Маҳкамова, Д.Эгамқулов каби ишбилармонларнинг ҳаракатлари тўғрисида янги иш ўринлари яратилиб, йигит-қизлар ишга қабул қилинмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Декларация тақдироти

Кунни кеча Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган наشري тақдироти бўлиб ўтди. Унда давлат идоралари ва муассасалари, вазирликлар, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳозирги замонда инсон эркинликлари кафолатининг буюк хартиясидир, — деди тақдиротда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов. — Декларация қоидалари Ўзбекистон Конституцияси, миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг юртимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга доир фармони тарихий ва халқаро аҳамиятга молик бўлиб, ҳозирга қадар БМТга аъзо давлатларнинг биронта-

сида инсон ҳуқуқлари бўйича бундай олий даражадаги ҳужжат қабул қилинмаган. Унда белгиланган тадбирларни амалга оширишда давлат идоралари ва муассасалари билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда тайёрланган. Декларациянинг юбилей нашри бу борадаги яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири



Корхонанинг дадил одими

Андижон тумани Куйганёр шаҳарчасида бундан бир йил аввал иш бошлаган «Руббертранс» корхонасида ишлаб чиқарилаётган қалиш ва резина оёқ кийимлари ўзининг сифатлилиги ва арзонлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Корхона маҳсулотларининг жаҳон бозорларида ўз ўрнини топаётгани ҳам бежиз эмас.


— Бу ерда асосан йиғув ишлари амалга оширилади. Янги бўлим ишга тушгач, яна 100 нафар киши иш билан таъминланди, — дейди корхона раҳбари А.Исмоилов.

Ж.ТУРДИЕВ

Келажакка эътибор

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ташаббуси билан Бобўт туманидаги «Тараққиёт» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида жойлашган 69- ва Гулистон тумани маркази Деҳқонобод шаҳарчасида фаолият кўрсатиб келаётган 70-мактаб-интернатлар тарбияланувчилари икки миллион сўмлик 450 та жамланма тўшақ анжомларини қабул қилиб олдилар.

Пиримқул ДЎСТМАМатов,
«Ishonch» мухбири



Аъзолик афзаллигини асослаш — долзарб масала

дан ўқув-семинарлар ташкил этилди. Самарқанд вилояти, Тошкент шаҳар касаба уюшма кенгашлари фаолияти ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

Андижон, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятлари касаба уюшма вакилликлари томонидан янги ташкил этилаётган корхона раҳбарлари иштирокида мунтазам учрашувлар ташкил этилиб, аъзолик афзалликларини тушутирилмоқда. Саъй-ҳаракатлар натижасида, касаба уюшмаси ўз фаолиятини йўлга қўйган корхона-ташкилотлар сони ортиб бормоқда.

Тошкент вилоятида 1272, Андижон вилоятида 1094, Наманган вилоятида 742 нафар киши касаба уюшма сафига қабул қилинди. Бирок Жиззах, Сирдарё вилоятларида бирорта корхона ёки ташкилот касаба уюшма хизматида олинмаган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бир қатор нодавлат сектори корхоналарида меҳнатқашларни касаба уюшма сафига жалб этиш қийин кечмоқда. Масалан, Фарғонадаги «Бешариқ Магнат» ЛТД, «Азия сил», «Силвер Силк» кўшма корхонаси, Бухородаги «Ромстар» Ўзбек-Россия кўшма корхонаси, «Магнат» МЧЖ, Тошкент шаҳридаги «Алким текстил», «Шайхонтохур

текстил», «Бойтекс», «Оригинал-текс» каби корхоналарда касаба уюшма ташкилотлари тузилмаган.

Жойларда касаба уюшма аъзолари сонининг камайишига асосий сабаб — «Тоштўқимачи», «Наманган-текстил», «Бухоротекс», «Хива-карпет» сингари ўнлаб йирик корхоналарнинг банкрот бўлгани, ҳудудий коммунал бирлашмаларнинг тарқалиб кетгани натижасидир.

Айни вақтда касаба уюшмалари талаби билан тармоқ корхоналарида имзоланган жамоа шартномалари бандларида кўзда тутилган меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни амалга ошириш учун сарфланаётган маблағ йилдан-йилга

ортимоқда. Хусусан, 2007 йилда 5651 та тадбир режалаштирилиб, шундан 5135 таси бажарилди. Ана шу мақсадга 2 миллиард 235 миллион сўм маблағ йўналтирилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллиард 271 миллион сўм маблағ сарфланди.

Музокарада Тошкент шаҳар касаба уюшма кенгаши раиси О. Сафоев, тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг Хоразм вилояти вакили Р.Искандарова, Самарқанд вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши раиси З. Маматқулова, МҚнинг Наманган вилояти вакили А.Набиев, МҚнинг Фарғона вилояти вакили М.Абдуллаева ва бошқалар сўзга чиқишди. Ўз ўзини танқид руҳидаги музокаралардан сўнг пленум тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилишда бир гуруҳ касаба уюшма фаолларига «Коммунал хизмат кўрсатиш аълочилиги» фажрий кўкрак нишони топширилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон енгил, мебел санати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши хушманзара Зомин тоғлари бағрида бўлиб ўтди.

Унда тармоқ касаба уюшмасининг IV Курултой қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари, корхона ва ташкилотларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш, ходимларни аъзоликка жалб этиш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисида Марказий кенгаш раиси М.Одировнинг маърузаси тингланди.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган умуммиллий сиёсатни қўллаб-қувватлаш масаласи касаба уюшмалари олдида бугун ўз фаолиятини янада жадаллаштириш вазифаларини қўймоқда.

Ўтган уч йил давомида қатор корхоналарда ишчи ходимларни касаба уюшма сафига жалб этиш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилди. Марказий кенгаш томони-



Шошма,

ҳақдингдан ошма...


Халқимизда «Йўлинг бехатар бўлсин» деган тилак бот-бот тилга олинади. Бундай эзгу ният замирида чуқур маъно бор. Чунки ҳаётимизнинг ҳар бир куни бевосита йўл билан боғлиқ. Бу борада салгина хатога йўл қўйиш биз учун ниҳоятда қимматга тушиши мумкин. Юртдошларимизнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишини таъминлаш мақсадида ИИБ ЙХХББ томонидан «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги», «Диққат, пиёда!» ва шунга ўхшаш кўплаб тадбирлар ўтказилади. Натижада кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинади. Лекин баъзи ҳолларда ҳайдовчиларнинг масъулиятсизлиги ҳам учраб туради. Улар шу тариқа нафақат бировнинг, балки ўзининг ҳам ҳаётини хавф остига қўяди. Мисол учун, яқинда Тошкент катта ҳалқа йўлининг «Абу Са-

хий» бозорига яқин қисмида «Жигули» ва «Дамас» тўкнашиб кетди. Оқибатда «Дамас» йўловчиларидан 2 нафари жароҳат олиб, шифохонага ётқизилди. Афсуски, ҳайдовчилар воқеа жойидан қочиб кетишган. Ҳодиса ҳақидаги хабар бир кундан сўнг ЙХХБга маълум қилинган... Кўп ўтмай суриштирувлар натижасида айбдорлар топилди, қонуний жазога тортилди.

Кўпинча вақтимизни қизғаниб, йўлимизни қисқартирмоқчи бўламиз-у бу билан ўзимизнинг ёки бировнинг умрига зомин бўлишимиз мумкинлигини ҳаёлга ҳам келтирмаймиз. Яқинда Ҳамза тумани Гогол-Тўйтепа кўчалари чорраҳасида ҳайдовчи пиёда уриб юборган, жабрланувчи шифохонага ётқизилган. Миробод тумани Ўзбекистон-Шевченко кўчалари чорраҳасида эса автоулов бошқарувчиси рулни бошқара олмай дарахтга урилган. Афсус-

ки, бундай мисолларни истоганча келтириш мумкин.

Кўча-кўйда «радарда ўтиб кетибман, жаримадан қутулдим» ёки «яхшиямки номеримни аниқлай олмади» деган гаплар кулоққа чалиниб қолади. Республикаимизда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Яқиндан бошлаб тезликни ўлчайдиган, автоулов белгиланган тезликдан ошса автоматик равишда суратга оладиган визир кенг қўллана бошлади. Агар уйингизга жарима тўлашингиз ҳақида қоғоз келса ҳайрон бўлманг, сиз юқори тезликда ҳаракатланиб, қоида-ни бузгансиз. Чунки суратингиз буни тасдиқлаб турибди. Сизга белгиланган жарима миқдори эса энг кам иш ҳақининг ярмидан 2 бараваригача бўлган суммани ташкил этиши мумкин.



Ёлда тутинг...

Агар транспорт воситасини маст ҳолда бошқарсангиз, энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима тўлашингизга тўғри келади. Бу ҳолатни бир йил давомида қайта содир этсангиз, 3 йил рулга ўтирмаслигингизга тўғри келади.

Мабодо маст ҳолда, ҳайдовчилик гувоҳномасиз машина ҳайдасангиз, энг кам иш ҳақининг 7 баравари миқдорида жарима тўлайсиз.

Маст кишига транспорт воситасини беришдан олдин ёнингизда энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоридаги пулингиз бўлиши шарт. Ушбу сумма бу ҳолат бошқа такрорланмаслиги учун сиздан жарима сифатида ундирилади.

Транспорт воситасини ҳужжатларсиз бошқарсангиз энг кам иш ҳақининг 5 фоизидан 1 бараваригача, борди-ю ҳайдовчилик ҳуқуқингиз бўлмай туриб рулга ўтирсангиз энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача жарима тўлайсиз.

Транспорт воситасини бошқариб кетаётганингизда хавфсизлик камарини тақиб олганингиз маъқул, йўқса энг кам иш ҳақининг 10 фоизидан 1 бараваригача жарима тўлайсиз.

Телефонингиз жирингласа ёки кимгадир кўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз, яхшиси машинангиздан тушиб гаплашинг. Акс ҳолда энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида жарима тўлайсиз. Шунда ҳам тегшли хулоса чиқармай, бир йил давомида бу қоидабузарлик қайта содир этилса, жарима миқдори энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 3 бараварини ташкил этади.

Транспорт воситасини бошқариб кетаётган чоғингизда ЙХХ ходимининг «тўхтанг» ишорасига бўйсунмай ўтиб кетсангиз ёки бошқа қонуний талабларини бажармасангиз энг кам иш ҳақининг ярмидан 2 бараваригача, бу ҳолат бир йил давомида қайта такрорланса, энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 3 бараваригача жарима тўлайсиз.

Биринчи марта жарима тўлаш орқали қутулган бўлсангиз ҳам, кейинчалик бу хатти-ҳаракатларингиз оқибати хунук ҳодисалар билан яқунланишини истамасангиз транспорт воситасини бошқариб кетаётган чоғингизда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинг.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими ҳамкорлигида тайёрланди





Рақамлар сўзлаганда...

Жорий йил бошидан сентябр ойига қадар Тошкент шаҳрида 2137 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. 2495 киши турли даражада жароҳат олган бўлса, 156 нафари ҳаётдан кўз юмди.

Биргина Чилонзор туманида 290 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, бу рақам Юнусобод туманида 273 тани, Собир Раҳимов туманида 254 тани, Шайхонтоҳур туманида 253 тани ташкил этади.

Пойтахтимизда сентябр ойининг бошидан буён 211 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, 250 нафар фуқаро турли даражада жароҳат олган ва 6 киши ҳаётдан кўз юмган.



Куз гаройиб фасл.

Бир қарашда у донишманд мўсафидга ўхшайди. Гоҳо ёлғиз қолган кезларингизда бог ичидаги хазонларни бир-бир босиб узоқ юраркансиз, шу мўсафид изингиздан аста-секин етиб келади. Сўнг меҳрибон товуш билан дейди: «Ҳаётингдан розимсан? Ё хатоларингни ўйлаб қийналаяпсанми? Ёдингда турсин, олдинга юришдан аввал ҳамisha ортингга қараб қўй. Ҳа, албатта ортингга қара!».

Бу сўзлар шуурингизни сергак торттиради ва ногоҳ юриб келаётган йўлингизга ўгирилиб боқасиз. Сап-сарик хазонлар! Худди «учинчи ўлчам» жумбоқларидек гайриоддий манзара, тикилиб қарасангиз кўзни жимирлатади.

Ўйланг, сизга жумбоқ бўлиб туялган бу манзарага қай хотираларингиз яширинган? Ҳад-худудсиз кечинмалар оламини хаёлан кезиб чиқаётиб, қай бекатларда туриб қолдингиз? Қайсидир манзиллардан шоша-пиша узоқлашаяпсиз, тўғрими? Чунки айнан ўша манзилларда хатога йўл қўйган эдингиз!

Сизни бугунга қадар изтиробга солаётган хатолар...

Биз айнан шу дақиқаларда ён-атрофимизга синчиклаб боқайлик. Ўзгаларнинг юрагига яқин бориб ҳасратига қулоқ тутайлик. Ахир инсонлар меҳрга, ширин сўзга ташна. Сўнгра ўзимиз гувоҳ бўлган воқеаларнинг айримларидан яқинларимизни огоҳ этайлик, токи улар бизнинг хатоларни асло такрорламасин.

Ў сизни келтирганмикин?..

Шу кунгача катта давраларда кўпчиликнинг эътиборини қозонган, ҳатто ҳеч кимга сўзини бермай юрган бу одам эрта тонгдаёқ кўримсизгина бир ҳовлига бош эгиб келди. Одмигина чопонни елкага ташлаган уй эгаси пешвоз чиқди. Меҳмонга кўзи тушгач ранги оқариб, каловланди.

— Сиз... қайси юз билан келдингиз?

— Врачлар билан гаплашдим. Яхшилаб доволаймиз дейишди. Сиз ҳеч қаерга даво қилмасангиз мен... мен сизга кўп пул бераман. Хўп денг, жуда кўп пул бераман!

Уй эгаси шаштидан тушди. Бошини қашиб ерга қаради. Кейин хўп дегандек бош силкиди.

— Майли, нимаям қилардик. Даволатишга кўп пул керак бўлади.

У ночор эди. Кўзига сурган ёлғизгина ўглини манави одам кеча тунда машинаси билан уриб юборган. Жигаргўшаси тонггача касалхонада жон талашди. Кўп қон йўқотди. Онаси-ку, боласининг ранг-у рўйини кўриб адои тамом бўлди. Бу эркак эса... нимаям қиларди, хотинини овутди, уни ўглининг ёнида қолдириб ўзи уйга қайтди. Энди эса манави одам келиб...

Меҳмон чўнтагидан бир даста пул чиқарди. Уй эгаси унга қайрилиб ҳам қарамади. Шу топда хўрлиги келиб бўғизига нимадир тикилгандек бўлди. Юзи бўздек оқарган ўгли, ҳушини йўқотаёзган аёли унинг кўз олдидан кетмас, юрагида мана бу одамга нисбатан нафрати тобора кучаяётганди.

— Тезроқ кетинг бу ердан! Бўлмаса ҳозир...

— Хўп-хўп. Мана кетаяпман. Яна келаман. Пулни олиб қўйинг.

Бу одам атлида касалхона бош врачига эски қадрдон эди. Кеча иккиси холи гаплашишганда бош врач боланинг аҳволи оғирлигини айтди ва дўстига шивирлаб «болани яхшилаб даволаймиз, лекин у ногирон бўлиб қолишиям мумкин» деди. Айтишча, суякларга шикаст етган экан!

Хуллас, танишининг гап-сўзларини эшитган-

дан кейин уйга қайтгач, унинг уйқуси қочди, алламаҳалгача ўйланиб ўтирди, жавобгарликдан қутулиш йўлларини ахтарди.

«Хаммасини пул билан тўғриласа бўлади!» деган қарорга келди у.

Тонгга яқин ўша уй томон йўл олди.

Мана ҳозир қайтар

Виждонни нима кутқаради?

ёхуғ руҳиятимиз синоатлари

экан, уй эгасини осонгина кўндирганидан қувонди. Кечаги зиёфатда кўп ароқ ичгани, маст ҳолда рулга ўтиргани, йўлда велосипедли болани қаттиқ уриб юборгани, сўнг шоша-пиша уни таниши ишлайдиган касалхонага элтгани, боланинг аҳволи оғир эканини ўйлаб ташвишга тушгани... Энди у булар ҳақда кўпам куюнмаётганди. «Сўроғ-у терговлар»дан қутулгани унинг учун нақ омадининг ўзи эди. Бахтига кечаги воқеа жойида бирорта гувоҳ йўқ эди...

Бу одам биргина нарсани унутганди. Ўзини жавобгарликдан қутқарди. Бироқ... йиллар ўтиб, ногирон йигитни қаердадир учратиб қолса қай аҳволга тушаркан? Гулдек йигитни шу аҳволга солгани учун ўзини айбдор санармикан? Ёки ҳеч нарса бўлмагандек кетаверадимми? Буни ким айтиб бера олади?..

Кўнил

шишаси синди

Никоҳ базми давом этарди.

Даврадагилар ўйинкулги билан овора пайти куёв пиёладаги шампандан қуйиб келинга

узатди.

— Йўқ, ичмайман, — пичирлади келин кизариб.

— Биринчи кунданоқ гапимни қайтараяпсанми, олсанг-чи, — деди куёв.

Келин пиёлани қўлига олди. Сўнг янгасига кўзи тушди, у ичманг деб имо қилди. Келин пиёлани қайтариб жойига қўйди. Бироз вақт ўтиб куёвнинг жўраларидан бири уларнинг ёнига келди ва келинга шампан қуйилган пиёлани узатди. Ичишга ундади. Келин қарасаки, куёвжўра ширакайф, агар ичмаса тухирлик қилиб бошқаларнинг эътиборини тортиши тайин. У пиёлани олиб секин хўплаган бўлди. Буни кўрган куёв тутатди.

— Сен ҳали менинг гапимни ерда қолдириб, бировларнинг қўлидан шампан ичадиган бўлдингми?!

Куёв дўқ ургач, келин ҳам нимадир деди.

Шунда куёв қаттиқ қизишиб келинчакни қаттиқ туртди. Келин қичқириб юборди. Столдагилар ўрнидан туриб кетишди.

— Қанақа бола ўстиргансизлар, биринчи кунданоқ қизимизни ҳамма-нинг олдида шарманда қилди, — деди қизнинг

онаси йиғламсираб. — Ҳалигдан қўлига эрк берадиган бунақа йигитга қизимни қандоқ ишониб топшираман? Бўлди, ҳозироқ тўйни тўхта-тиб...

— Ҳай, оғирроқ бўлинг, қудажон, ўғлимизни кечиринг, қизиқ-қон феъли бор, — деди йигитнинг отаси. — Ўртоқлари билан сал ичган экан...

Қиз томон сукут қилди. Тўй давом этди. Келиннинг эса юрагига мунг чўқди. Асраб юрган соф туйғулари завол топди.

ман!» деган фикр мени тинч қўймасди. Дунё тор деганлари рост экан. Ордан тўрт-беш йил ўтиб ўша болани худди ўзим тасаввур қилгандек метрода кўриб қолдим. У поезд келадиган йўлга қараб турарди. «Айни вақти келди!» дедим-у у томон юрдим. Шунчалар яқинлашдимки, ҳатто нафас олишим эшитилиб турарди.

— Кейин нима бўлди? — ташвишланиб сўрадим мен.

— Эндигина қўлимни рақибим томон чўзмоқчи бўлганимда ич-ичимда бир овозни эшитдим.

«Тўхта, нима қилмоқчи-сан? Ақлинг-ни йиғ!» деди ўша овоз. Сўнг миямда мутлақо бошқача ўй-хаёллар чарх ура бошлади. Хўш, жанжал пайтида қизишиб кетган одамдан бир шапалоқ еган бўлсам нима қипти? Ахир муштлашганлар, бир-бирини уриб ҳушдан кетказганлар озми? Улар кейинчалик бир-бирини кечириб, яна дўстлашиб кетаверадилар-ку. Мен эса биргина тарсакин деб битта йигитнинг хаётига нуқта қўймоқчи бўлаяпман. Наҳотки шунчалар тубан кетсам?!

Хуллас, шунча йиллар ичида тузган режаларим бир зумда чиппакка чиқди. Кўнглимдаги қаҳр ўрнини меҳр эгаллади. Қулиб юбордим негадир. У товушимни эшитиб мен томон ўгирилди. Таниганини сездириб қулимсиради, салом дегандек бош силкидим, қўлини чўзди. Худди шу пайт поезд келди.

У вагон ичига киргач хайр дегандек қўл силкиди, нигоҳида нимадир ялт этди. Меҳрми, соғинчми, изтиробми... Буларнинг ҳаммаси бир неча дақиқа ичида бўлиб ўтди. Ҳалигача хайрон бўлман, менинг ҳушимни дарров жойига келтирган нарса нима эди? Менимча, у — ичимиздаги овоз, виждонимизнинг товуши, шундай эмасми?!

Мен унинг гапини маъқуллаб бош силкидим.


Ҳаётимизда шу сингари воқеа-ҳодисалар кўп учрайди. Ҳар бири бизга сабоқ, қолаверса, шундай воқеалар ортида «инсон хатолардан четланиб яшаши керак» деган ҳикмат яширинган. Виждонимиз эса — кўзгу, у ҳар битта хатомизни акс эттириб, бизни хушёрликка ундайверади.

Хатоларни ўз вақтида тушуниб етсак, тузатсак, ўзимизни анча енгил ҳис этамиз. Мана шу енгиллик эса виждонимизни азоблардан қутқаради.

Буни унутмайлик.

Гулчехра ЖАМИЛОВА,
журналист





Инсониятни ҳалокатга бошловчи омиллардан бири унинг нафсидир. Шу сабаб отамиз Одам алайҳиссалом ва онамиз Момо Ҳаво жаннатдан чиқарилиб, ерга ташланган...

Хар йили мусулмонлар рамазон ойини хурсандчилик ила қарши олади. Мазкур ойда рўза тутиш хижратнинг иккинчи йили фарз қилинган бўлиб, пайгамбар алайҳиссалом умрларининг сўнгги тўққиз йилида ҳам бу ойни интизорлик билан кутиб, бу ойда рўза тутиб, ибодатларини янада кучайтирган. Расулulloҳ кўрсатмаларига кўра рамазондан олдинги ражаб ва шавбон ойларининг ҳам баъзи кунлари рўзадор бўлиш муқаддас ойни кутиб олиш ҳисобланади.

Манбаларда келтирилишича, инсонларнинг маккоми фаришталар билан ҳайвонлар оралигида жойлашган. Кимки бу оламда яшаш еб-ичиш, жимоъ ва бошқа кўнгли тусаган амалларни қилишдан иборат деб ўйласа, инсонийликдан ҳайвоний хирс ва ҳиссиётга тушиб қолади. Аксинча, кам еса, кам ухласа фаришталардан ҳам кўра Ҳақ таолога яқинлашиб боради. Шу маънода рўза ибодати инсонга ўзлигини танитади, инсоний мақомда мустаҳкам туришга кўникма ҳосил қилади ва ундан пастлашиб кетишга йўл қўймайди.

Саъдий Шерозий «Гулистон» асарида шундай ёзади: «Ажам подшоҳларидан бири Муҳаммад алайҳиссалом саҳобаларининг хизматида бир ҳозик табибни жўнатди. У табиб саҳобалар билан бир муддат яшади, лекин унинг олдида ҳеч ким касалиқдан шикоят қилиб келмади. Шунда табиб бу ишдан ҳайрон бўлиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдиларига бориб, у зотга: «Мен шунча вақт сиз-

лар билан яшадим. Лекин ҳеч ким олдимга беморлигидан шикоят қилиб келмади», — деди. Шунда пайгамбар алайҳиссалом: «Эй табиб, бу қавм шундай қавмки, қоринлари очмагунча таом емайдилар ва қоринлари тўямасидан олдин таомдан ўзларини тиядилар». Шунда табиб: «Ундай бўлса бу ерда менга асло ҳожат йўқ экан», дея юртига қайтган экан».

Имом Термизий ривоят қилган бир ҳадисда эса: «Рўза сабрнинг ярмидир», — дейилган. Ҳақиқатан рўза тутишнинг моҳиятига назар солинса, унда сабрли бўлиш, ҳаром амаллардан тийилиш, очлик, ташналик, бадан ва нафс заифлигига сабр қилишдек бардош ва қаноатлар ётади. Имом Ҳаззолий «Ихёу улумиддин» асарида зехн ўткир бўлиши ва қалб пок-ланишида очликнинг фойдалари кўп дея шундай ёзади: «Очлик ҳолати қалбдаги иллат ва губорларни, мутакаббирлик ва манманликни кетказади. Аллоҳнинг балоси ва азоби қаттиқ бўлишини эса туширади, гуноҳ амалларга мойил бўлишнинг олдини олади, уйқуни камайтириб, бедор бўлишга чорлайди, ибодат ва шукур қилишга ўргатади. Очлик ҳолатини бошидан кечирган одам бехосдан қийинчиликка учраб қолса, сабр-тоқат билан уни осон енгади. Доим маишатда юрган тўқ одам эса ҳаётда озгина қийинчиликка йўлиқса, қаттиқ талвасага тушиб, ўзини

йўқотиб кўяди ва уни енгиб ўтишга иродаси етмайди...».

Рўза тутишнинг афзалликларидан яна бири ўз соҳибини қалқондек ҳар хил балолардан ҳимоялаб туради. Жобир розий-аллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: «Рўза қалқондир, банд у билан дўзахдан сақланади», — дейилган. Улуғларнинг айтишича, йилига бир ой очликни ихтиёр қилиб, рамазон ойи ҳурматини сақлаш қалбда ҳикмат ва муҳаббат уруғларини ундиради. Зеро, инсон табиатидаги нафснинг истаги кўзга кўринмас губор бўлиб, уни енга олиш ва Ҳаққа итоат қилдиришда очлик биринчи восита ҳисобланади. Нафси кўп сийланган кишида кибр ва манманлик, ҳасад уруғларининг зиёдалашиб бориши кузатилган. Ҳазрат Алишер Навоий шундай ёзади:

Покланиш созинчи...

Нафским, ул айши мудом истагай, Санга гуноҳ, ўзига ком истагай.

Тўғри, рамазон ойда нафсни тийиш ҳаммага ҳам осон бўлмаслиги мумкин. Бироқ озгина риёзатнинг ортида жуда кўп ажр, жаннатдаги «Райён» номли алоҳида эшик ҳозирлаб қўйилганини ҳам унутмаслик лозим. Бу ойни соғинч ила кутиб олишнинг ўзи ҳам бир ибодат. Чунки ушбу ойда Яратганининг бандаларига марҳамати чексиз бўлиб, тоғдек-тоғдек гуноҳлар ҳам тавбалари сабаб кечиради. Шайх Ҳасан Басрий рамазондан чиқиб ҳайит уни ўйин-кулги қилаётганларни кўриб шундай деган экан: «Аллоҳ таоло рамазон ойдан бир майдон ясабдурки, токи бандалар у майдонда қилган амалларини кўриқдан ўтказгайлар. Бас, баъзилар амалларини кўриқдан ўтказибдилар ва баъзилар кейин қолибдилар. Таажжуб қиламан у кишиларгаки, амаллари қандайлиги ҳали аниқ бўлмай қуладилар. Аллоҳга қасамки, агар амалларининг устидан пардани кўтарсалар, амали мақбул бўлганлар шодликка машғул бўлар эди ва амали мардуд (қабул қилинмаганлар) бўлганлар андуҳ-у мотам тутар эди». Яратган барчамизни амаллари қабул қилинганлар қаторига қўшиб, рамазон соғинчини бардавом айласин!

Абдулвоҳид ҲУРОЗОВ

Луқмони Ҳакимнинг Абу Толиб исми шогирди бор экан. У манманлик отига миниб, устозини-да менсимай қўйибди.

Бир куни подшоҳ устоз-шогирдини чақиртириб, уларнинг истеъдодини синаб кўрмоқчи бўлибди.

— Иккинчи бир-бирингизга қарши захар тайёрланг. Ким тирик қолса, ўша кучлидир, — дебди.

Луқмони ҳаким сукут сақлабди. Шогирд эса дарров рози бўлибди ва уч кун муҳ-



лат сўрабди.

Уч кундан сўнг Луқмони ҳаким одам сиғадиган хумчага сут тўлдиртириб, тўртта қулга кўтартириб, мажлисда ҳзри бўлибди. Шогирд эса тайёрлаган захарини олиб келибди.

Луқмони ҳаким хотиржам ечиниб, сут тўла хумга тушиб, захарга қарши дори-ларини ичиб, устидан шогирди тайёрлаган захарни ҳам ичибди. Захар таъсиридан сут яшил ранга кирибди. Бошқа шогирдлари Луқмони ҳакимни кўтариб уйларига жўнашибди. Энди захар тайёрлаш навбати устозга етибди. У подшоҳдан қирқ кун муҳлат сўрабди. Тўртта мардикор ёллаб шогирди яшайдиган ўйнинг орқасидаги хонани ижарага олибди. Тўртта мардикорга кеча-ю-кундуз ташқарига чиқмасдан бўш қорни ураверишини айтибди. Бечора шогирд устози қандай қилиб захар тайёрлаганини билмай, ваҳима билан кечалари ухлай олмай, озиб, зўрға мажлисга етиб келибди. Устози эса қудқдан сув олиб, бошқа шогирдларига кўтартириб мажлисга етиб келибди.

Абу Толиб бу сувдан икки қултум ичибди-да, жони узилди.

Мажлис аҳли нафрат билан устозга дебди: «Наҳр, шундай ёш йигитни ўлдириб юборсанг!»


Шунда Луқмони ҳаким кўзачадаги сувдан ўзи ҳам ичиб бунинг оддий сувлигини, шогирди захардан эмас, манманлик қурбони бўлганини изоҳлабди. Мажлис аҳли кўзачадаги сувдан татиб кўриб, Луқмони ҳакимга қўйил қолишибди.

Хонбиби ҲИММАТ
қизи тайёрлади

«Садақа балони, тавба гуноҳни қайтарар», «Дуо билан эл кўкаради» деган гаплар бежиз айтилмаган. Алқаш билан балолардан омон қолган, дуоибадга йўлиқиб хор-зор бўлганлар ҳақида ҳам кўп эшитганмиз, ҳаётимизда кўрганмиз. Шунинг учун яхшилик қилиб, элнинг дуосини олишга не етсин.

Лекин ҳуда-беҳудага кишиларни қарғайдиганлар ҳам шуни унутмасликлари керакки, «Қарғиш жўжадирким, ўз жойига, яъни қарғанга хўроз бўлиб қайтиб келади» деган ҳикмат ҳам бор.

Қарғишнинг кучи



Бир куни уч улфат яйраб хордиқ чиқариш учун шаҳарга тушиб, маза қилиб еб-ичиб, обдон сайр қилишди. Яхши кайфият билан уйларига қайтаётганларида, осмондан тушдими ёки ердан чиқдими, бирдан рўпараларида уч-тўртта қизни эргаштирган, ранг-рўйи қоп-қора, сочлари оппоқ, абгор кийимли кампир пайдо бўлди.

— Худо йўлига садақа қилинган, болаларим, — дея ялинди кампир уларга. — Берган садақаларингга рози бўлинглар, дуо қилай.

— Бор, тошингни тер, қари алвасти, — деди кайф устида Рустам. — Сен кимсан-у қилган дунонг нима бўларди.

— Ҳай-ҳай, ундоқ дема, болам, — деди кампир. Дуом кучли, нақ тошни ёради.

Аммо Рустам унинг гапларига парво қилмай, кампирни яна «қари жодугар» дея ҳақорат қилди. Унга Маҳмуд ҳам кўшилиб, «эпласанг бола-чақа қилмайсанми, нима қиласан буларни итдек туғиб?» дея кампирни мазах қилди. Анвар эса садақа сўраб ўзига ёпишган қизлардан бирини жаҳл билан тепиб юборди. Ҳақоратлардан ва қизалоқларнинг хўрланганидан момонинг аччиғи чиқди.

— Мен сенлардан молдунё сўрамагандим, бор-йўғи садақа сўрагандим, — деди ғазабдан титраб. — Худо йўлига атаб, кўнгилла-

рингдан чиқариб бирор чақа берганларингда ҳам астойдил дуо қилмоқчи эдим. Аммо сизлар буни истамдиларинг. Энди ўзларингдан кўринганлар, сизларни астойдил қарғайман.

Кампир шундай деди-да, кўзларини чирт юмиб алланималарни пичирлаб, қоқсуяк, қоп-қора қўлларини юзига сурди ва Рустамга юзланди:

— Сен мени қаттиқ ҳақорат қилиб, дилимни оғритдинг, тилларинг танглайингда қотсин, бир умр ёлчмай ўтгин.

Кампир энди Маҳмудга юзланди ва «Сен худо берган бачаларимга тил теккиздинг. Майли, бой-бадавлат бўл, аммо пуштинг илоё куриб кетсин, бир умр тир-

ноққа зор бўлиб ўтгин» дея қарғади. Қарғиш навбати Анварга келди. Кампир Анварни «Бачаларимни тепган оёғинг илоё узилсён» дея дуоибад қилди.

Аммо маст йигитларга қарғиш чивин чаққанчалик таъсир этмади. Орадан кўп вақт ўтмай Рустам қаттиқ хасталикка чалинди. Отанаси уни зооқ даволатди. Аммо даволашларнинг қилча нафи тегмади. У тўсатдан тилдан қолди. Анвар эса «Жигули»сини ҳайдаб бораётганда фалокатга учради, жони омон қолди. Аммо бир оёғидан ажради. Шифохонада шифокорлар унинг мажақланиб кетган чап оёғини қирқиб ташладилар. Маҳмуд эса момо

башорат қилгандай савдо орқасидан катта бойлик орттириб, бадавлат бўлиб кетди. Уйланди. Аммо, мана бир неча йилдирки, фарзандсиз ўтмоқда, тирноққа зор. Қасрдай уйи, қўша-қўша машинаси бор, аммо орқасида қоладиган зурриёди йўқ. Маҳмуд аламини баъзан ичкиликдан олади, ширакайф ҳолатда «Қарғишнингизи қайтиб олинг, мени кечиринг, момо» дея хўнг-хўнг йиғлайди.

Гунг Рустам, қўлтиқтаёққа суяниб юрган Анвар ҳам бугун қилмишларидан мингминг пушаймон.

Аммо бундан энди фойда бормикан?!

Анорбой НОРКУЛОВ



Қимматли қоғозлар бозори

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, 2011 йилдан бошлаб:

- қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси институтлари фаолиятини ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни кучайтиришни, ҳисобга олиш тизимини соддалаштиришни, шунингдек, қимматли қоғозларга оид битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатишни такомиллаштиришни;
- қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг дастурий-техник таъминотини бирхиллаштириш ва стандартлаштиришни, электрон ҳужжат айланишини кенг кўламда жорий этишни ва ундан фойдаланишни;
- жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларга оид операцияларда, жумладан қимматли қоғозларнинг пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олди-сотди операцияларида иштирокини соддалаштиришни;
- қимматли қоғозлар бозори маълумотларининг ягона ахборот базасини шакллантириш учун шарт-шароит яратишни таъминлайдиган қимматли қоғозлар бозорининг ягона дастурий таъминот комплекси жорий этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш механизмининг тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2008 йил 28 июл) билан «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби ҳақида»ги низом тасдиқланди.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот экспертиза предмети ҳисобланади. Экспертиза буюртмачи, баҳолашнинг бошқа истеъмолчилари ва баҳолашни ўтказган ташкилот ўртасида баҳсли вазиятлар пайдо бўлган тақдирда ёки бошқа ҳолатларда ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги қарори билан республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими тасдиқланди.

Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 24 июлдаги «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари кучга киритилмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом ҳам тасдиқланди. Бироқ унинг амал қилиши бюджет ташкилотлари учун қўлланадиган Ягона тариф сеткаси асосида амалга ошириладиган олий таълим муассасаларининг ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга татбиқ этилмайди.

Низомга мувофиқ олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи базавий лавозим маошлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган устама ва кўшимча тўловлардан иборат бўлади. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошлари штатдаги лавозимга ва илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади. Ушбу муассасалар раҳбарларининг базавий лавозим маошлари эса улар мансуб бўлган гуруҳдан

келиб чиққан ҳолда белгиланади (1-гуруҳ — талабалар контингенти 2000 нафардан ортиқ бўлган, 2-гуруҳ — талабалар контингенти 2000 нафардан кам бўлган олий таълим муассасалари). Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлашнинг тартиби ва шартлари белгиланди.

Президентимизнинг 2008 йил 30 июлдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-


Ҳақ тўлаш такомиллашди

тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларининг, ўқув ишлари, касбий таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш ҳақи миқдорлари Ягона тариф тизими бўйича амалдаги ставкаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилди. Шунингдек, 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига кўшимча ҳақ:

— энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача;

Спорт анжомлари сивонинг йўқолиши

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 162-қарори билан «Ўзстандарт» агентлигининг «Тошкент шаҳар синаш ва стандартлаштириш маркази» давлат корхонаси ҳузурида спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарининг ихтисослаштирилган сивон лабораторияси ташкил этилди.



— ёзма ишларни текшириш учун — энг кам иш ҳақининг 30 фоизидан 50 фоизигача;

— ўқув ва лаборатория кабинетларига мудирлик учун — энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 50 фоизигача оширилди.

2008 йил 1 сентябрдан бошлаб педагог ва раҳбар ходимларнинг лавозимлари ва




тор жамғармаси ташкил этилади. У бундай муассасаларнинг барчасида ташкил этилиши керак бўлиб, унинг маблағлари ҳар бир таълим муассасаси ҳузурида ташкил этила-

диган махсус комиссиялар томонидан тасарруф этилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги қарори билан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими тасдиқланди. Улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом билан ўрта

Баҳолаш тартиби

2008 йил 4 августда Адлия вазирлиги томонидан Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори рўйхатдан ўтказилди. Қабул қилинган ҳужжат малака имтиҳонини ўтказиш, баҳоловчининг малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартибини, апелляция таомилини белгилайди. Унда, шунингдек, сертификат муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш учун зарур бўлган шартлар ҳам белгиланган. Низомда баҳолаш фаолиятини амалга оширишда малака сертификатининг амал қилишини тўхта-тиш учун асос бўладиган қонун ҳужжатлари талабларининг бир марта қўпол равишда бузилишлари рўйхати келтирилган. Барча зарурий маълумотлар Давлат мулк қўмитаси томонидан юритиладиган малака сертификатиغا эга бўлган баҳоловчиларнинг реестрида қайд этилади.



«Ўзбекистон Қуролли кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва яқна тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида»ги низом Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги 163-қарори билан тасдиқланди.

Низом камидан 10 календар йил хизмат қилган ва янги контракт тузган, уй-жой билан таъминланмаган ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ҳарбий хизматчиларга татбиқ этилади. Уларга ипотека кредити қонунчили-да белгиланган тартибда Ипотека



Уй-жой кафолатланади

кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан берилади. У ҳарбий хизматчиларга хизмат жойи ёки ҳарбий хизмат белгиланган жой (чақирик) бўйича берилади. Уни олишда Мудофаа вазирлиги, ИИБ, ФВВ ва МХХга уй-жой майдонининг белгиланган ижтимоий нормаси доирасида сотиб олинмаган ёки қуриладиган уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдоридagi дастлабки бадални киритиш рухсат этилган.

Ҳарбий хизматчиларнинг аризаси ва тегишли вазирликларнинг маҳаллий давлат ҳокимиятига илтимосномаси бўйича уй-жой ўрнига яқна тартибда уй-жой қуриш учун бепул асосда ер участкаси берилиши мумкин. Ер участкасини ўзлаштириш даврида ҳарбий хизматчи ва унинг оила аъзоларига икки йилгача бўлган муддатда хизмат квартираси сақлаб қолинади.

Квартира сотиб олиш ёки яқна тартибда уй-жой қуришга ўзлари учун тегишли вазирликлар томонидан дастлабки бадал ўтказилган ҳарбий хизматчилар давлат ҳисобига уй-жой билан таъминланмаганлар рўйхатларидан чиқарилади.

Ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган ёки хизмат вазифаларини бажаришда оғир жароҳат олиши оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда қайтарилмаган кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси тегишли вазирликнинг раҳбари қарори асосида вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланади.

махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг лавозим маошлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими ва малака тоифаси учун белгиланмаган базавий тариф ставкалари ва ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва кўшимча тўловлар асосида шакллантирилиши белгиланган. Педагог ходимларнинг базавий тариф ставкалари ходимнинг лавозимига, малака тоифасига ва муассасасининг турига (академик лицей, касб-хунар коллежи) боғлиқ равишда табақалаштирилади. Раҳбарларнинг базавий тариф ставкалари ўқувчилар контингентига боғлиқ равишда муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун Директор жамғармасидан тўланадиган, базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача миқдордаги ҳар ойлик устамалар белгиланди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатини нормалаштириш 1540 соат миқдоридagi иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқадиган шахсий йиллик иш режаларига асосланади. Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ставкаси миқдори белгиланган тартибда аниқланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

TV-SPORT

06.30 Европейский лотерейный тур... 07.45 Футбол. Премьер-лига. «Манчестер Сити» - «Ливерпуль».

Сешанба

07.00 Футбол. Лига чемпионов. «Зенит» (Россия) - «Барселона» (Испания).

Чоршанба

08.40 Футбол. Премьер-лига. «Рубин» (Казань) - «Локомотив» (Москва).

Пайманба

09.40 Футбол. Премьер-лига. «Локомотив» (Москва) - «Зенит» (Санкт-Петербург).

Шанба

05.55 Футбол. Лига чемпионов. «Зенит» (Россия) - «Реал» (Мадрид, Испания).

Якшанба

05.55 Футбол. Кубок УЕФА. «Спартак» (Москва, Россия) - «Бавария» (Мюнхен, Германия).

Жума

05.40 Футбол. ЧЕ-2009. Женщины. Сборная России - Норвегия.

Ташкент

17.50 Курьезный турнир. «Ташкент» (Ташкент) - «Ташкент» (Ташкент).

Ташкент

17.50 Курьезный турнир. «Ташкент» (Ташкент) - «Ташкент» (Ташкент).

Ташкент

17.50 Курьезный турнир. «Ташкент» (Ташкент) - «Ташкент» (Ташкент).

Ташкент

17.50 Курьезный турнир. «Ташкент» (Ташкент) - «Ташкент» (Ташкент).

Ташкент

17.50 Курьезный турнир. «Ташкент» (Ташкент) - «Ташкент» (Ташкент).

Ташкент

17.50 Курьезный турнир. «Ташкент» (Ташкент) - «Ташкент» (Ташкент).

Ishonch TV

ДУШАНБА

ТОШКЕНТ

ОЗБЕКИСТОН

ТВ-3

SPORT

РОССИЯ

ДОМАШНИЙ

DTV

YOSHLAR

HTV

ТОШКЕНТ

ОЗБЕКИСТОН

ТВ-3

SPORT

РОССИЯ

ДОМАШНИЙ

DTV

YOSHLAR

HTV



«Физика — Куёш» ИИЧБ таъсис этган «QURILISHGELIOSERVIS» МЧЖ

Ишлаб чиқариш, маъмурий ва турар-жой бинолари — кол-лежлар, поликлиникалар, пансионатлар ва бошқа объектларни йил давомида бир суткада 500 литрдан 10.000 литргача иссиқ сув билан таъминлаш қувватига эга бўлган

СУВ ИСИТИШ КУЁШ ТИЗИМИ КУРИЛМАСИНИ ИШЛАБ ЧИКАРАДИ

Конструкциялар ихтиро деб тан олинган, патент билан ҳимояланган ва «QURILISHGELIOSERVIS» МЧЖ мулки ҳисобланади.

Биз углеводород ёнилгисини тежашингизга ёрдам берамиз. Сиз йил давомида қуёш энергияси ҳисобига иссиқ сув билан таъминланган бўласиз.

Тел./факс: 233-64-47, 235-41-60. E-mail: qgs@uzsci.net Веб-сайт: www.qgs.uzsci.ru

Патент №1AP 02665. Лицензия №000372.



OZBEKISTON

5.55 Курсулар дастури. М/ф.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Илҳам»

TOSHKENT

7.25 Курсулар дастури. Т/л.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»

TV MARKAZ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»
9.05 «Полиция»

PERVYI

4.40 Х/ф «Расписание на послезавтра»
5.00 «Новости»
5.10 Х/ф «Расписание на послезавтра»

TB-3

07.30 М/ф «Отти и таракан»
09.30 М/ф «Отти и таракан»
09.55 «Астропроноз»

YOSHLAR

6.55 «Уштар саломини»
7.00 «Дарининг боласи»
7.10 «Мультипанорама»

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили)
8.20 «Бодоро устро»
9.20 «Мультифильм»

ROSSIYA

05.10 «Студия «Здоровье»»
05.45 «Вся Россия»
06.25 «Диалог о животных»

DIV

07.00 «Уштар устро»
07.10 «Сингалур»
07.20 «Национальный мультфильм»

OZBEKISTON

20.20 «Кул» хажия.
20.45 «Уштар менинг»
21.00 «Илҳам»

TOSHKENT

7.25 Курсулар дастури. Т/л.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»

TV MARKAZ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»
9.05 «Полиция»

PERVYI

4.40 Х/ф «Расписание на послезавтра»
5.00 «Новости»
5.10 Х/ф «Расписание на послезавтра»

TB-3

07.30 М/ф «Отти и таракан»
09.30 М/ф «Отти и таракан»
09.55 «Астропроноз»

YOSHLAR

6.55 «Уштар саломини»
7.00 «Дарининг боласи»
7.10 «Мультипанорама»

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили)
8.20 «Бодоро устро»
9.20 «Мультифильм»

ROSSIYA

05.10 «Студия «Здоровье»»
05.45 «Вся Россия»
06.25 «Диалог о животных»

DIV

07.00 «Уштар устро»
07.10 «Сингалур»
07.20 «Национальный мультфильм»

OZBEKISTON

5.55 Курсулар дастури. М/ф.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Илҳам»

TOSHKENT

7.25 Курсулар дастури. Т/л.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»

TV MARKAZ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»
9.05 «Полиция»

PERVYI

4.40 Х/ф «Расписание на послезавтра»
5.00 «Новости»
5.10 Х/ф «Расписание на послезавтра»

TB-3

07.30 М/ф «Отти и таракан»
09.30 М/ф «Отти и таракан»
09.55 «Астропроноз»

YOSHLAR

6.55 «Уштар саломини»
7.00 «Дарининг боласи»
7.10 «Мультипанорама»

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили)
8.20 «Бодоро устро»
9.20 «Мультифильм»

ROSSIYA

05.10 «Студия «Здоровье»»
05.45 «Вся Россия»
06.25 «Диалог о животных»

DIV

07.00 «Уштар устро»
07.10 «Сингалур»
07.20 «Национальный мультфильм»

OZBEKISTON

5.55 Курсулар дастури. М/ф.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Илҳам»

TOSHKENT

7.25 Курсулар дастури. Т/л.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»

TV MARKAZ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»
9.05 «Полиция»

PERVYI

4.40 Х/ф «Расписание на послезавтра»
5.00 «Новости»
5.10 Х/ф «Расписание на послезавтра»

TB-3

07.30 М/ф «Отти и таракан»
09.30 М/ф «Отти и таракан»
09.55 «Астропроноз»

YOSHLAR

6.55 «Уштар саломини»
7.00 «Дарининг боласи»
7.10 «Мультипанорама»

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили)
8.20 «Бодоро устро»
9.20 «Мультифильм»

ROSSIYA

05.10 «Студия «Здоровье»»
05.45 «Вся Россия»
06.25 «Диалог о животных»

DIV

07.00 «Уштар устро»
07.10 «Сингалур»
07.20 «Национальный мультфильм»

OZBEKISTON

23.45 Футбол. Европа ЧЕМПИОНЛАРИ ЛИГАСИ.
23.50 «Вести +»
24.00 «Уштар менинг»

TOSHKENT

7.25 Курсулар дастури. Т/л.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»

TV MARKAZ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»
9.05 «Полиция»

PERVYI

4.40 Х/ф «Расписание на послезавтра»
5.00 «Новости»
5.10 Х/ф «Расписание на послезавтра»

TB-3

07.30 М/ф «Отти и таракан»
09.30 М/ф «Отти и таракан»
09.55 «Астропроноз»

YOSHLAR

6.55 «Уштар саломини»
7.00 «Дарининг боласи»
7.10 «Мультипанорама»

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили)
8.20 «Бодоро устро»
9.20 «Мультифильм»

ROSSIYA

05.10 «Студия «Здоровье»»
05.45 «Вся Россия»
06.25 «Диалог о животных»

DIV

07.00 «Уштар устро»
07.10 «Сингалур»
07.20 «Национальный мультфильм»

OZBEKISTON

20.20 «Кул» хажия.
20.45 «Уштар менинг»
21.00 «Илҳам»

TOSHKENT

7.25 Курсулар дастури. Т/л.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»

TV MARKAZ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.45 «Болалар сайраси»
9.05 «Полиция»

PERVYI

4.40 Х/ф «Расписание на послезавтра»
5.00 «Новости»
5.10 Х/ф «Расписание на послезавтра»

TB-3

07.30 М/ф «Отти и таракан»
09.30 М/ф «Отти и таракан»
09.55 «Астропроноз»

YOSHLAR

6.55 «Уштар саломини»
7.00 «Дарининг боласи»
7.10 «Мультипанорама»

SPORT

8.00 «Хабарлар» (рус тили)
8.20 «Бодоро устро»
9.20 «Мультифильм»

ROSSIYA

05.10 «Студия «Здоровье»»
05.45 «Вся Россия»
06.25 «Диалог о животных»

DIV

07.00 «Уштар устро»
07.10 «Сингалур»
07.20 «Национальный мультфильм»



(Боши ўтган сонларда)

Яна бир мисол. Афиналик уч полиция офицери украиналик икки қизни бандиликда ушлаб туришган ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилишган. Тўғри, ушбу жиноий гуруҳ фош этилган, аммо у дарёдан томчи. Шунинг учун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар Грецияга тазйқ ўтказишни талаб этмоқдалар.

В.Маларек Европа давлатлари, БАА, Жанубий Корея, Канада ва АҚШ аёллар савдосини глобал воқеликка айлантираётган давлатлар эканига кўплаб мисоллар келтиради. Йўқ, қуллар савдоси антик даврда ёки Қадимги Рим тарихида қолиб кетган ҳодиса эмас, энди у глобал воқеликка айланган. Энг ҳайратли томони шундаки, инсон шаъни ва ҳуқуқини топтовчи ушбу иллатнинг харидорлари, қўллаб-қувватловчилари ўзини юқори маданиятли халқ ва давлатнинг фуқаролари ҳисобловчи кимсалардир. Уларнинг «тўқликка шўхлиги» боис ОИТС ва бошқа таносил касалликлари ҳам глобал дардга айланган. Бугун дунёда 3 миллиондан зиёд киши ОИТСга чалинган. Турли таносил касалликларидан ҳар йили 700 мингдан зиёд киши навқирон ёшида оламдан ўтади. Уларнинг аскарияти фаҳш ва ҳирс қурбони бўлмиш аёллардир.

Секс-трафикнинг кенг тарқалишига социалистик иқтисодиёт ва тузумнинг инқирозига айбдор эмас. В.Маларек чин инсонга хос жасорат билан аёллар савдосида БМТга қарашли айрим халқаро ташкилотлар, АҚШ ва НАТО ҳарбийлари, Косовода тинчлик ўрнатиш учун сафарбар этилган халқаро кучларнинг ходимлари ҳам қатнашаётганини очиб ташлайди. У БМТнинг масъул ходимларини аҳволдан

ва кўнгил очиш усулидир».

Украиналик Оленка исмли 17 яшар қизчани банди бўлган ойларда 1800 марта жинсий алоқага киришга мажбур этишган. Ҳар бир эркакдан хўжайини 50 доллардан «ҳақ» олган. Энг даҳшатлиси БМТ тинчлик ўрнатиш учун юборган ҳарбийларнинг зўравонлиги эди. Барча келган БМТ ҳарбийларига хўжайини Оленкани «совға» қилади, бутун взвод жўр бўлиб ожизани зўрлашади. Тўғри, БМТ полицияси Оленкани озод этади, аммо ушбу полиция ходимларидан саккизтасини Оленка таниб, улар қилган зўравонликни исботлайди. «Мен уларни кўрсатдим, мени зўрлаганларини айтиб бердим. Лекин ҳаммаси ўз ҳолича қолавер-

бийлари Шарқий Европадан келтирилган хотин-қизлар хизмат қилувчи исловатхоналарга қатнаётгани маълум қилинади. Исловатхоналарда ҳали 16 ёшга ҳам тўлмаган қизчалар борлиги, уларни хотин-қизлар билан таъминлашда БМТ полицияси офицерлари иштирок этаётгани кўрсатилади. БМТ полициясининг масъул ходимлари терговчининг хатига эътибор бермайдилар, аксинча, ундан айб қидиришга тушадилар. Кўп ўтмай Болковачни «ведомостларни қалбакилаштириш»да айблаб ишдан бўшатишади. Шундай аҳвол бошқа инсонпарвар кишиларнинг ҳам бошига тушади.

Д.Лэмб ўз бошлиқлари билан БМТ полицияси офицерларидан бештаси (уларнинг исмлари келтирилган) секс-трафик билан шуғулланаётгани ҳақида электрон хат жўнатди. «БМТнинг ходимлари аёл-

га интилганига дуч келиб ҳайратландик».

Шубҳасиз, БМТ инсон ҳуқуқларини дунёда қарор топтириш, тенглик, биродарлик ва эзгулик ғояларини тарғиб этиш борасида беқиёс лойиҳаларни амалга ошироқда. Аммо юқоридаги мисоллардан аён бўладики, унинг тасарруфидаги айрим халқаро уюшма ва ташкилотларда ўз нафсини қондиришга мойил шахслар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун В.Маларекнинг қуйидаги фикрларига тўла қўшилиш мумкин. У ёзади:

«БМТнинг одам савдо-

Виктор АЛИМАСОВ, Фалсафа фанлари доктори, профессор

ҳал этувчи чоралар кўриши зарур. «Тинчлик ўрнатувчилар»нинг ўзи алданган аёлларга ғайриинсоний зўравонлик кўрсатмоқда... Ёрдам кўрсатишга юборилган хайрия ташкилотларининг ходимлари ўз машина аёллар сотиб олишга сарфлапти. Улар шахсан фойдаланиш мақсадида аёлларни сотиб оладилар ва уйда сақлайдилар. Бу ўз мавқеини суистеъмол қилишдир, БМТ ҳақиқатга тик қарashi, зўравонликка, аёллар савдосига чек қўйиши керак». Бу аслида нафақат БМТга, шунингдек, ўзида инсонийликни йўқотмаган барча кишиларга қаратилган даъватдир.

Аёллар савдоси — секс-трафикни глобал тарзда тақиқлаш лозим. Аёллар дискриминациясини, гендер нотенгликни ҳеч қандай баҳона — этномаданий, этнопсихологик ва генетик сабаблар билан оқлаб бўлмайди. Секс-трафик ва дискриминация зўравонлик усуллари дандир. Шунинг учун тарби-



Аёллар савдоси

я х ш и хабардор бўла туриб, аёллар савдосини тўхтатиш учун деярли ҳеч нима қилмаётганликда айблайди. Муаллиф А Қ Ш н и

ди». Яъни, жиноятчилар жазога тортилмади. Сараевода жойлашган Гендер хизмати экспертияси бўлимини бошқарган терговчи Катрин Болковач, Сараеводаги БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари ваколатхонасининг раиси Мадлен Рис, полиция офицерлари Девид Лэмбе ва Разарио Ионна каби покдил ва инсонпарвар кишилар халқаро кучлар сафидаги фаҳшга ўч, аёллар савдоси билан шуғулланувчи кимсалар ҳақида юқори ташкилотларга, жумладан БМТнинг масъул ходимларига хабар берганлар. Масалан, К.Болковач аёл бўлишига, турли тазйқларга учрашига қарамай 2000 йил 9 октябрда эллик бешта юқори лавозимдаги шахсларга, жумладан БМТ Бош котибининг Босниядаги махсус вакили Жак Клейга электрон хат жўнатади. Хатда БМТ полицияси, гуманитар ёрдам кўрсатиш мақсадида сафарбар этилган халқаро ташкилотларнинг ходимлари ва НАТО ҳар-

лар савдосида қатнашаётганини аниқлай туриб, — деб ёзади у хатида, — мен ва одамларим энг юқори лавозимдагиларнинг жиноятларни яшириш-

си — трафик масалаларига бетарафлик сиёсатига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ташкилот муаммонинг қанчалик жиддийлигини англаши ва қатъий,

ядаги, ижтимоий муносабатлардаги гендер нотенгликни бартараф этмай инсонпарвар демократик жамият қуриш амримаҳол.

Р.С.
Охириги нуқтани қўйганимдан кейин ҳам муаммо ҳаёлимдан кетмади. Нимадир айтгим, китобга кирмай қолган қандайдир фикрни кўйиб қўйгим келаверди. «Наташалар сотилади. Янги глобал аёллар савдоси»ни яна бир марта ўқиб чиқдим. Барибир излаётган фикрларимни тополмадим. Ўзимни банд этиш учун А.Адлернинг китобини ўқиб ўтирганимда излаётган фикрим чикиб қолди. Машхур психолог ёзади: «Урушлар ва инқилоблар пайтида ҳамда ҳаёт бемаъни деган кайфият ҳукм сурганида фоҳишабозликка ҳаддан зиёд аҳамият берилади». Босния, Сербия, Герцеговина, Косово этник низолар, урушлар гирдобиде яшамоқда. Бундай пайтда ожиз ва ёрдамга муҳтож аҳоли зўравонларнинг нишонига айланади. Аммо урушаётган томонлар душманларнинг хотин-қизларини эмас, балки низоларни бартараф этиш тарафдорларининг, ҳатто бу борада ёрдам кўрсатаётган халқларнинг хотин-қизларини алдаб, ўғирлаб, зўрлаб олиб келиб сотаётганлари таажжубга солади кишини. Бу ўринда кўрнамаклик, «ҳам фарлик, ҳам шорлик» кўзга ташланади.
Ҳаётни бемаъни деб топган кимса инсоният яратган ҳеч ниманинг қадрига етмайди, ўз нафсини қондиришдан маъно қидиради, завқ олади. Фарб кишиси тўқлигини ҳазм қилолмапти шекилли. Унда олижаноб, буюк идеаллар йўқ. Натижа аниқ — ҳайвоний инстинктга эргашмиш. Бироқ мен барча Фарб кишилари фаҳшга берилган деб хулоса чиқаришдан йироқман. Улар ичда инсон ҳаётини янада гўзал ва фаровон қилиш ниятида изланаётганлар кўп. Айнан шу кишиларнинг ҳаёти тақлидга лойиқ. Мен уларнинг янги глобал иллат — секс-трафикни таг-томири билан қўпориб ташлаб, янги-янги инсонпарвар ғояларни, лойиҳаларни илгари суришига ишонаман.
Яна бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим. Китобда В.Маларек муаммони бўрттириб кўрсатгандек туюлади. Аёллар савдосига глобал воқелик сифатида қараш эътироз уйғотиши мумкин. Тўғри, баъзи ўринларда муаллиф журналист бўлгани учун ҳиссиётга берилади. Лекин Фарб тафаккуринга ўзини ўзи беаёв танқид қилиш, ҳар бир муаммога жаҳондаги тараққийпарвар ва инсонпарвар кучларнинг диққатини жалб этиш орқали ривожланиш хосдир. В.Маларекнинг жасоратига ҳавас қилса арзийди.

Х аёт бамисоли дарё — оқаверади, оқаверади. Шундай деймиз-у лекин бундай ўйлаб қаралса, кечаги жўшқинликнинг бугунги жўшқинлик билан, кечаги сокинликнинг бугунги сокинлик билан ўхшашлиги ҳар қанча кўп бўлмасин, уларни бир-биридан ажратиб турувчи жиҳатлар ҳам беихтиёр кўзга чалинади. Бу табиий. Чунки кеча дарёнинг икки қирғоғига эланиб оққан «оби ҳаёт» истасак-истамасак, бугун ўша ҳолатни такрорлай олмайдим.

Инсоният ҳам шунақа. Авлодлар алмашинуви барибир ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Бундан йигирма йил, ўн йил ва боринги, беш йил бурун мўъжиза янглиг дилларни ром этган янглик бугунги кунга қиёсан мутлоқ оҳорини йўқотиб, ҳатто сарқит, иллат каби атамаларга «лойиқ» топилиши мумкинки, буни тўғри тушунмоқ ва албатта, тўғри хулоса чиқармоқ керак. Шу билан бирга асрлар оша, авлоддан авлодга ўтиб келаётган, даврга монандмос сайқал топаётган, агар таъбир жоиз бўлса, йиллар чигиринида ёмби тусига кириб барчанинг эътиборини тортаётган, бир сўз билан айтганда, кундалик турмуш тарзимизга айланиб кетган биз учун ўзлимизни англаш, ўзимизни таниш, ўз онгимизга сингиш мақомида қадр топган урф-одатларимиздан ҳеч қачон воз кеча олмаслигимиз ҳам бор ҳақиқат бўлиб, биз буни кунда, кун ора кўриб, эшитиб турибмиз.

Гапни узоқдан бошлаганимиз ва пича файласуфона оҳанглар эпкиннида тўлганиб қўйганимиз бежиз эмас. Айтмоқчи бўлганларимиз бевосита бугунги ҳаётдан чизгилар эса-да, биз соясида гурунг қурмоққа азму қарор қилганимиз воқеалар кеча ҳам, ундан аввалги кун ҳам, қўйинг-чи, беш йил, ўн йил ва ундан анча илгари ҳам юз бериб турганлиги билан кўнгилга анчайин яқиндир. Ва энг қизиғи, у эртага ҳам, индинга ҳам такрорланиши эҳтимол. Фақат одамлар яхши жиҳатлардан кўпроқ ибрат олиб ёмон жиҳатларга ўзларида асло майл сезмасинлар деймиз.

«Тасқара» келин

Маҳалла ҳаётдан кўрсатув қилиш учун келган ТВ мухбирлари Маҳфуза аяни ҳам даврага тортишди.

— Бизга ўхшаган кексалар учун бахт, бу оилавий тинчлик, кўнгил хотиржамлигидан бошқа нарса эмас, — деди ая кесиб-кесиб. — Ўғил-қизингиз ўзидан тинчиб, ўз аравасини ўзи тортиб, бировларга малол келадиган ишлардан ўзини тийиб юрса, шу-да бахт. Дилдор бўлишдан худо асрасин...

Ўттиз беш йил мактабда муаллимлик қилиб, ҳеч кимга қаттиққуруқ гапирмаганлиги учун бўлса керак, ҳамкасблари ўртасида «Юмшоқ ойим» деган лақаб олган, маҳалла-қўйда эса «Мулоийм хола» номи билан донг таратган Маҳфуза аянинг кеса таги нимкоса қабилдаги сўзлари, очиги, кўни-қўшнилари бироз ҳайрон қолдирди. Ялаб-юлаб катта қилган биттагина ойпопуқлари «яхши қиз кўчасидан чиқмас» деганларидек нариги муюлишдаги ўзига тўқ, обрў-эътиборли хонадонга тушиб, учта боланинг онаси бўлиб ўтирган, бу ёқда уч ўғил «онажон-онажон» деб хизматларига бел боғлаб турган бўлса, яна нима өтишмайди бу аёлга?

Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Маҳфуза аянинг ҳам дарди ичида. Тўнғич ўғли Комилжонининг никоҳ кечаси карнай-сур-

най садолари остида товусдек сузиб кирган келинининг бўй-бас-ти, ҳусни жамолига кўзи тушган борки, астойдил ҳавасланганидан боши осмонга етиб, қариндош-уруғу кўни-қўшнилари олдида қанчалар ифтихорга тўлиб, қуллук қила-қила эс-хушини йўқотаёзгани кечагина эди-я.

Қизгина тушмагур анчагина тан-тиқ ўсган экан. Келин бўлиб келган кунининг учинчи оқшомиданоқ қилиқ чиқарди. Сиз уринмай қўя қолинг, мен ўзим қулинг ўргилсин қилиб мастава пишириб бераман», дея қайнона тайёрлаган овқатга қиё боқмади ҳам. Қошиқни косага солиб, бир-икки айлан-тирган бўлди-да, седанали патир ноннинг бир чеккасидан чўқалаб, ярим пиёла чой ичиб, телефонни баҳона қилди-ю уйига кириб кетганча, қайтиб чиқмади. Кичик ўғиллар онасига, катта ўғил ерга қараганча қолишди.

Бу ҳол ҳафтада икки-уч бор такрорлангач, қайнона аста келинни гап-га солди:

— Сайё-рахон, нима, эт-бе-

тин-гиз огри-яптими, овқатга ҳам негадир иштаҳангиз йўқ.

Келиннинг жавоби Маҳфуза аяга жуда оғир ботди.

— Овқат эмиш, — деди у ижирганнамо бўлиб. — Шўрва-шулта денг. Маставами-ей, мошхўрдами-ей! Бизнинг уйда бунақа овқатларни овқат ўрнида кўришмасди.

Маҳфуза ая тишини-тишига босди. Босиқлик билан:

— Унда бугундан бошлаб ошхонани сизга топширдим, — деди у. — Бундан буён ўзингиз кўнглингиз тусаган овқатни қилинг, мен розиман.

Келин яна баланд келди.

— Нима, мени чўриликка олганман, деб ўйлаясиз шекилли?! — деди зулукдек қоп-қора қошларини чимириб. — Бир кун овқат пишириб, уч кун ванна қиламан, деб кўзим учиб тургани йўқ. Шундоқ ҳам шу ўн кун ичида исқиртим чиқиб, мўндига айланаёздим. Сиз нимани хоҳласангиз, шунни пишириб-куйдираверинг, мен бундан буён ресторанда «ужин» қилиб келаман!

Шу-шу ўртадан меҳр кўтарилди. Маҳфуза ая бошқа қайноналарга ўхшаб, ҳовлини бошига кўтариб дод-фарёд қилишни ўзига ор билди, ўғлини келинига нисбатан қайрашни ҳам эп кўрмади. Ҳаммаси кўз ўнгида лаганга сузилган каби турибди; ўғли хотини учун жонини беришга тайёр, келини ҳам севса керакки, эрини кўргани ҳамон очилиб, янада гўзаллашиб кетади.

— Илгари замонларда бундай қизлар подшоларгагина насиб этарди. Ўғлимнинг этагини тутиб, шу уйга келин бўлиб тушибдими, демак, чидашга тўғри келади.

Ажаб эмас, инсофга келиб қолса.

Маҳфуза ая ўзини ёш бола кўриб, ўз-ўзини юпатган бўлади. Аммо Сайёрахоннинг сурати сийратига сира кўчмаётгани, яна ҳам тўғрироғи, ҳали-вери кўчадиганга ўхшамаётганидан дилида нимадир исён кўтаради. Шундай кезларда келини кўзига шундай тасқара туюладики, ўғлига қараб ич-ичидан ачинади.

Масҳара келин

Омад чопмаса қийин экан. Иккинчи келин бунисидан ошиб тушди. Икки ҳафта ўтар-ўтмас кўнглига тугиб келган шартини дангал айтди:

— Мен бу каталакдек ҳовлида ҳар кимларнинг қош-қовоғига қараб яшамоқчи эмасман, — деди юзингда кўзинг борми деб ўтирмай. — Дом олиб берасизлар! Онам мени сизларга қўли косов,

сочи супурги бўлсин, деб бермаган. Одам бо-



ла-сига ўхшаб яша ш учун ўғлингизга текканман.

Маҳфуза ая бу гапларни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. «Тасқара бўлса ҳам ановиси дурустроқ эди, шекилли. Буниси жуда «мактаб» кўрганга ўхшайди-ку!», дея ҳаёлига келган ўйдан ич-эти тўкилиб тушди. Ўғлига қаради. У хотинига «уйга кир, кўни-қўшни эшитади», дея қўлидан тортқилади-ю, лекин «нега онамни ранжиятсан, уч-тўрт йил сабр қил, ҳаммаси расамади билан битиб қолар», дейишга ботинмади.

— Бурнидан ип ўтказиб олибди, — дея Маҳфуза ая ўғлига жони ачиди-ю, индамайгина ўз хужрасига кириб кетди.

Яхшики, отаси раҳматли «кунингга яратарсан», дея унча-мунча пул ташлаб кетган экан. Ўшани қўшқўллаб ўртанча ўғлига тутқазди.

— Бори шу, Шунга лойиқ уй оларсан, болам, — деди у кўзида қалқимокқа бошлаган ёшларни намойиш қилгиси келмай, четга қараб.

Ўғил «қўйинг, ойи, уят бўлади. Эс-хуши кириб қолар», демади. «Ердан топсанг ҳам санаб ол», қабилда пуллари тахламидан узиб, шошмасдан санай кетди.

Маҳфуза ая кейин эшитди. Келини борган жойида ҳам қилиқ чиқарибди. Уйқумни бузаяпислар, деб дам у, дам бу, дам юқори, дам қуйи қаватдаги қўшнилари безорихон қилибди. Ҳатто тартибга чақирмоқчи бўлган бир-икки кампирни олдига солиб қувибди: «Ўзимники етмай турувди, энди сенлар бормисанлар!..».

Хуллас, чуви чиққан келиннинг овозаси маҳаллага етиб келди. Кўни-қўшни, қариндош-уруғ «ё

тавба»лаб ёқа ушлашди: «Шундай оқила аёлга шунақа беҳаё келин тушганини қаранглр. Қайнонали келин қарқара келин, қайнонаси келин масҳара келин, деганлари шу бўлса керак-да-а?».

Қарқара келин

Оғзи куйган қатикни пуфлаб ичади экан. Маҳфуза ая кенжасини уйлантиришга узоқ вақт юраги дов бермади. Ҳатто «фалончининг ойдеккина қизи бор экан, гапдан-гап чиқиб оғиз солиб кўрганмик, майл билдириш-гандек бўлишди», дея гап олмоқ илинжида гурунг очганларга ҳам эътибор қилмади.

Бир кунни ўғли аста онани йўқлаб кирди-да, остонага омонатгина чўқди. Маҳфуза ая сездиди, ўғли нимадир демоқчи.

— Кўзларингдан муҳим гапинг борга ўхшайди. Тинчликми? — дея синовчан боқди.

Кенжаси бир ютиниб олди. Сўнг галати кулимсираб деди:

— Ойи, бир қиз бор эди... — У бироз сукут сақлаб, давом этди. — Шу десангиз, уйдагилар кузга қолдирмай турмушга бериш ҳаракатига тушиб қолишганмиш. Шунга... агар хўп десангиз...

Маҳфуза ая бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, болам, — деди у. — Озгина сабр қил, сал ўзимга келиб олай.

Кенжаси тиззасида эмаклаб онасига яқин борди.

— Ойи, мана мени айтди дерсиз. У кеннойимларга сира ўхшамайди, — деди ялинчоқ овозда. — Сиз бир гаплашиб кўринг, дарров ёқтириб қоласиз.

Ўғилки ўзи ташаббус кўрсатиб турган, онаизор нима ҳам қилсин. Синглисига кўнғироқ қилиб, тугун тайёрлашга тушди...

Сокина чиндан-да Маҳфуза аянинг барча армонларини ушалтирди. Қўлидан ишини олди, ошхонага барака кирди, ҳовли-жой янада ораста бўлиб қолди. Унинг одамохун, ширинзабонлигини айтмайсизми! Ҳатто бир сафар катта овсинлар пичирлашаётганини эшитиб, Маҳфуза аянинг кулгиси келди.

— Жа кенжамиз оёқ-қўлликки-на эканми? — Чимирилди катта келин лабларини буриб.

— Ойижон-ойижонлаб ийдиришини айтмайсизми унинг, — унга қўшилди ўртанча келин. — Бу кетишда ҳадемай бизни четга чиқариб қўймасайди...

Қарангки, фақат ёмонлик юқумли бўлмас экан. Яхшилик ҳам бунини бўлмаса, эртага ўз таъсирини ўтказар экан. Ановиларда аввал кўзга ташланмаган фазилатлар ниш уриб, унда-мунда барг ёзиб қолди. Ҳатто «менга беринг, мен чилпиб қўя қолай», дея супурги талашилар, «сиз сабзи артиб туринг, мен тўграб ташлайман» дея иш тақсимлаб олишлар бошланди...

Туюв кунни маҳаллага газетадан мухбир келиб, бир қанча қайноналарни саволга тутди.

— Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деб бежиз айтилмаган, — деди Маҳфуза ая. — Қизлик уйида яхши тарбия кўрган, жуда бўлмаса, келин бўлиб тушгач, уй-жой шу экан, энди шу хонадон раъйига қарамасам бўлмайди, деган қиз ҳеч қачон пушаймонлик кўрмайди. Менга қолса, сеп дегани, бу мол-дунё, хорижда ишлаб чиқарилган мебел эмас. Одоб-ахлоқ, яхши тарбия, бир сўз билан айтганда, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлишликдир.

Орадан бир ҳафта ўтиб газетата мақола чиқди. Унга Маҳфуза аянинг сўзларидан келиб чиқиб сарлавҳа қўйилганди: «Сеп — мол-дунё эмас»...

Зайнидин РИХСИЕВ

Уйғоқ фикр



Ишончнинг баҳоси қанча? Балки бу саволни беришнинг ўзи ноўриндир. Чунки ишонч бебаҳо. Шундай вазиятлар бўлиб қоладики, уни олтинга ҳам сотиб олиб бўлмайди.

ИШОНЧНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Шу боис инсоннинг лафзида туриши ёки ваъдасига вафо қилиши жуда муҳим саналади. «Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас» мақоли ҳам айнан шу маънони ифода қилади. Бу берилган ваъданинг албатта бажарилиши лозимлигини билдиради.

— Шахсан мен ишончни жуда қадрлайман, — дейди ЎзМУ талабаси Эркин Умаров. — Кўнглим юмшоқлиги боисми, кимдир бирор таклиф билан келса, йўқ дея олмайман. Натижада қийин вазиятга тушиб қолсам-да, ваъдани бажаришга интиламан. Ўтган давр мобайнида бир хулосага келдим. Минг кўнглинчан бўлсангиз ҳам, агар қўлингиздан келмаса ёки вақтингиз бўлмаса, асло сўз берманг. Акс ҳолда ҳам ўзингизнинг ишларингиз чала қолади, ҳам ўзгаларнинг кўнглини қолдириб қўйишингиз мумкин.

Тасодифий ва мажбурий ишончсизлик ҳоллари ҳам юз бериб туради. Тасодифийлик кўпинча ҳардамхаёлликдан келиб чиқади. Биров сизга нимадир илтимос қилди, сизнинг эса ўша пайтда хаёлингиз зарур ишлар билан жуда банд. Ёки илтимос бажарилиши лозим бўлган вақтда шошилиш ишлар чиқиб, ушланиб қоласиз.

Мажбурий ишончсизлик анча мураккаброқ. Инсон барибир инсон-да. У ҳамма нарсага ечимини тополмаслиги, айтилган топшириқларни удралай олмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан,

олайлик, раҳбар ходимига муҳим топшириқ берди. Ходим эса ваъда беради-ю бажара олмайди. Бунинг объектив сабаблари суриштирилса яхши. Акс ҳолда раҳбарнинг ходимга нисбатан мажбурий ишончсизлиги кучайиб боради. Яна бир мисол. Узоқ давр мобайнида фарзанд қайсидир сабабларга кўра отасининг кўнглини ололмайди. Оқибатда ота қалбида ўзи хохламаган ҳолда мажбурий ишончсизлик куртаклай бошлади. Бу эса бора-бора ота ва фарзанд ўртасидаги турли келишмовчиликларга олиб келади. Худди «Сўнгги қиролича» сериалидаги қирол (фарзанд) ва Девон (ота) ўртасидаги узоқ йиллик зиддият каби. Шунингдек, турли мишмишлар ҳам ишончсизлик уруғини сепадиган асосий омиллардан биридир. Инсон зоти миш-мишга ўч ва ишонувчан бўлади. Миш-миш дегани секин таъсир қиладиган заҳар каби ёки хотини эрига ҳадеб бир гапни уқтираверса, эри ҳам ишониб қолгани каби инсон руҳиятига сингиб боради, ақлини эгаллайди. Асосан орқадан гапириладиган гийбат эр-хотин, ака-ука ва қариндош-уруғлар ўртасидаги ишончсизликни, келишмовчиликни кучайтиради. Умуман ҳаётни чуқурроқ таҳлил қилсангиз, бу каби ишончнинг қимматини сариқ чақа қилиб қўядиган вазиятларга кўп дуч келасиз.

Шунингдек, ишончнинг қимматини ушлаб туриш ин-

соннинг ўзига ҳам боғлиқ. У ҳаммани ўзидан келиб чиққан ҳолда тушунишга, вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиши керак. Йўқса ўзингиз билмаган ҳолда дўстингизга ишонмай қўйсангиз, шахсиятига тегиб, хурматсизлик қилсангиз, иккита хатога йўл қўйган бўласиз.

Биринчидан, содиқ дўстингиздан ақралиб қолишингиз мумкин. Иккинчидан, унинг қалбини парчалайсиз. Сиздан бутунлай кўнгли қолиб кетади. Гумон билан бировнинг шахсиятига тегиш, тўхмат қилиш катта гуноҳдир.

Нима бўлганда ҳам ишонч қиймати буюк. Уни одамлар ўзларича майдалаштириб юбормоқда. Тарихда ҳам ишончсизлик туфайли кўплаб улкан хатолар юз берган. Ишончсизлик орқасидан зарба еган буюк шахслар борки, шунинг ўзиёқ бунинг оқибати жуда хунук эканлигини далиллайди. Масалан, Амир Темурнинг Хусайнга ишониб, машҳур «лой жанги»да мағлубиятга учраши...

Менимча ишонч ва ишончсизлик ораси бир қадам. Қўққисдан икки қолатнинг бирига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Энг муҳими, мулоҳаза билан қарор чиқариш, ишонч ва ишончсизлик фарқини англаш. Асосийси, ўзингиз ишончга содиқ бўлинг. Шунда ҳаммаси яхши бўлади. Ахир бошқаларга ҳам ўзингизга ишонган каби ишониш бахтига не етсин.

Акмал ТОШЕВ

Ибрайт

Виждони бутун инсон ҳар доим меҳр-муҳаббатнинг, эзгулик дарахтининг мевасидан баҳраманд бўлади. Бундан ташқари, бир-бирига меҳр-оқибатли инсонларни Аллоҳ ўз паноҳида асрайди. Ровийларимиз айтадиларки, «Тангри таоло инсон туғилгач, тақдирига монанд эзгу фазилатларни ҳам ҳамроҳ қилган».

Кўнлардан бирида фаришталардан бири Яратганнинг инояти билан бир хонадонга меҳр-оқибат уруғини сочади, хонадон соҳиблари бир-бири билан ҳамжихатликда оғир кўнларни кечириб, ёруғликка чиқадилар. Пул, мол-давлат топгач, улар ўртасида меҳр-оқибат йўқола бошлайди. Шунда хонадон соҳиблари аёлига юзланиб:

— Қалбимизни меҳр-оқибат тарк этмоқда. Уни асраб қолиш керак, — деб қайғурибди. У эса бепарволик билан:

— Кетса кетаверсин. Биз ҳамма нарсага эришиб бўлдик. Менга ҳеч нима керак эмас, — дебди. Соҳиб пулнинг кетидан қувиб, одам-

ларга шафқатсизлик қилаётган ўғлига:

— Ўғлим, биздан барака кўтарилапти. Хонадонимиздан файз кетади, — дея изтироб чекибди. Нодон ўғил эса:

— Ҳотамтой бўлсак, кўзлаган мақсадимизга етолмаймиз. Бизга меҳр-оқибат эмас, пул зарур, — дебди. Соҳиб ноилоҳ келинига:

— Хонадонимиздан меҳр-оқибат кўтарилапти. Сизнингча, меҳр-оқибатсиз ҳам бахтли яшаса бўладими? — дея термулибди.

Зукко келин:

— Отажон, оиламизда сизнинг виждонингиз уйғоқ экан, бизни бу ноёб фазилатлар тарк этмагай. Қанийди, сизнинг олтинга тенг сўзларингизни олиб, қиёматда Аллоҳнинг олдида юзимиз ёруғ бўлса. Ҳақнинг чексиз хурматида муяссар бўлсак, — дея жавоб берибди. Ота келиннинг жавобидан хурсанд бўлиб, Яратганга беҳисоб ҳамду-санолар айтибди.

Санобар ЖҲРАЕВА,
Тошкент шахри

Инсонийлик йўқолмасин

«Мен — ёшлиқман» танловига

Дилфуза ХОЛМАТОВА — жиззахлик. Ҳозирда ЎзМУ журналистика факултетининг магистратура босқичида таълим олмоқда. Рус ва инглиз тилларидаги асарларни тилимизга таржима қилишга қизиқади.

Куйида ёш мутаржимнинг ижод намуналарини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.



Ҳиндулар серенадаси

Р. Бёрнсдан

Тушингга кирдим мен осуда тунда,
Шамол нафасида силлик юзинг оқ.
Хаёланми ёки ширин уйкуда,
Юлдуз боққанида сенга бир чакноқ,
Тушингга кирдим мен балки бехуда,
Сокин руҳим кезар оёқ учида.
Нимадир сен томон чорлайди секин,
Деразанг томонга, ким билар сирин?
Шабада уйнайди бўшлиқ ичида,
Сокинлик ҳоқиму, тун бир дангаса.
Япроқлар шивирлаб айтганда эртақ,
Тушингга кирдим мен худди ўнгингдек.
О ҳаёт, майсадан юксакка кўтар,
О ўлим, нимадан қўрқар, қалтирар?
Бўсалар ёмғирин юбор у томон.
«Унинг лабларига секин кирар жон,
Юрагим қинидан чиқиб кетгудек.
Тез урар, юз урар, бу недан дарак?
Унга азоб берар шахло кўзларинг,
Наҳот сева билди яна бу юрак?»

Даъват

Ф.Тютчевдан


Қиш чилласи, совуқ қаҳратон,
Оқ ҳарирга ўралган ўрмон.
Сеҳрланган маликалардек,
Ётар эди уйкуда бежон.
Гарчи совуқ таҳдид солмоқда,
Йўқ, у тирик нафас олмоқда.
Дарахтларнинг сочлари оппоқ,
Чор атрофим сирли бир жумбоқ.
Оқ либосли келинчак ўрмон,
Нигоҳларим чопди сен томон.
Чиройингни англолмай ўзинг,
Сукунатда ётибсан. Уйғон!

М. Лермонтовдан

Тез-тез қойир эди катталар,
Нафасимга тўлдириб тутун.
Улар мени кечиролмаган,
Айблардан ўтганим учун.
Ўзгартирди мени бу йиллар,
Айбсизлигим келмагач афзал.
Мен ҳам шунда айланиб тошга,
Кечирмадим уларни бу гал.
Қайтдим катта давраларга мен,
Ҳорғин неҳра, қалба «муз» билан.
Қутиб олар эди «катта»лар,
Энди мени ширин сўз билан...

И. Буниндан

Ёнма-ён кетардик, фақат сену мен,
Бир боқиб қўйишга имкон топмадинг.
Мартнинг шаббодаси эсарди сокин,
Қуруқ суҳбатимиз узилди секин.
Кўкни кезар эди жуфт-жуфт булутлар,
Олчанинг гулидан бўламан сармаст.
Қизил япроқларинг, оловми улар,
Мовий кўзларингдан бўлар эдим маст.
Энди эса менинг телба нигоним,
Новдалар томонга ўгирганда юз.
Ҳамон кетаяпмиз йўлда икковимиз,
Айланарди дунё, кетар эдик биз.



ФИФАдаги учрашув

Ўзбекистон футбол федерацияси президенти **Мираброр Усмонов** ФИФАнинг Цюрихдаги қароргоҳида ФИФА президенти **Йозеф Блаттер** билан учрашди. **М.Усмонов** ФИФА раҳбариятини Ўзбекистон футболда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида, жумладан, миллий стадионнинг таъмирланиши ва яқинда ташкил этилган профессионал футбол лигаси хусусида хабардор қилди.

Шунингдек, **М.Усмонов** FIFA.com мухбири саволларига жавоб берди.

— Охириги икки йилда миллий стадионни ҳамда ёшлар футбол мактабларини таъмирлаш, қуриш ва уларни керакли анжомлар билан таъминлаш учун 14 млн. АҚШ доллари сарфланди, — деди мухбирнинг саволига жавобан УҲФ президенти. — Ҳозир бизда бутун мамлакат бўйлаб 12 та шундай футболга ихтисослашган академия мавжуд. Мен ФИФА президенти миллий стадионнинг таъмирланганлиги ҳамда янги «Тошкент футбол саройи» спорт комплексини қуриш бошлаб юборилганидан хабардор қилдим. Мажмуа 2009

йил октябр ойида куриб битказилиши режалаштирилган. Қилинган барча ишлар мамлакатда футболни ривожлантиришга ва ёш авлодни юқори сифатли инфратузилма билан таъминлашга қаратилган. Профессионал лиганинг 16 та жамоаси профессионал фаолият олиб боради деган умиддамиз.

— **Терма жамоангиз ЖЧ-2010 саралаш гуруҳида сўнгги погонани банд этиб турибди. Саралаш баҳсларини муваффақиятли якунлаш учун имкониятларингиз қолдими?**

— Менга бу саволни кўп мар-

та беришди. Иккита учрашувни бой берган бўлсак-да, ҳали ҳам имкониятларимиз бор деб ўйлайман. Лекин шунга ҳам айтиш жоизки, ҳозирги вақтда жаҳон чемпионати йўл олиш бизнинг бош мақсадимиз эмас ва реал олиб қаралса, ҳозир буни уддалайдиган ҳолатда ҳам эмасмиз.

— **Ўзбекистон терма жамоаси қачон буни уддалай олади деб ўйлайсиз?**

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни ҳисобга олсак, тўрт-беш йилдан сўнг буни уддалай оладиган бўлишимизга кўзим етади.



«Бунёдкор»нинг навбатдаги ғалабаси ёки Зико — Тошкентда

Бразилиялик таникли футбол мутахассиси, бир вақтлар терма жамоада чиройли ўйинлари билан барчани лол этган **Зико** Тошкентда.

Аэропортнинг ўзида мураббий журналистлар билан қисқача суҳбатда шундай деди:

— **Авалло, мен Ўзбекистонда эканлигимдан хурсандман. Мени бу қадар илик кутиб олишгани учун миннатдорчилик билдираман.**



— **Ўзбек футболлари ҳақида нималар биласиз?**

— Собиқ Иттифоқ даврида ўзбек футболлари тўғрисида кўп эшитганман, у пайтда жамоангиз жуда кучли бўлган. Бутун дунёда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам мустақилликдан сўнг жуда катта ижобий ўзгаришлар бўлди. Мамлакатингизда футболнинг ривожланишига ҳисса қўшаётган деган умиддаман.

— **Ўзбекистонга келишингизга ким сабабчи бўлди?**

— Бу ерга ташриф буюришимда Ривалдо муҳим рол ўйнади. У билан телефон орқали гаплашдим. Юртдошим менга ўзбек футболлари ва бу ерда қилинаётган ишлар ҳақида илик фикрлар билдирганидан сўнг Ўзбекистонда ишлашга бел боғладим.

— **Туркиянинг «Фенербахче» клубига қайтиш ниятингиз борми?**

— Йўқ. Шу пайтгача Япония термасида ва клубларида, Туркияда ишладим. Ўйлайманки, ортимда ёмон таассуротлар қолгани йўқ.

Маълумотларга кўра, 55 ёшли мураббий «Бунёдкор» жамоасида бош мураббий лавозимини эгаллаши мумкин. Артур Антунес Коимбра ёки шунчаки Зико Ўзбекистон миллий терма жамоасида ҳам фаолият юритиши кўзда тутилган. Фақат у терма жамоада Рауф Инилеевнинг ўрнини эгаллаган Миржалол Қосимовга маслаҳатчи-мураббий сифатида кўмаклашади.

Зико МХСК стадионида ўтказиладиган «Бунёдкор» ва «Сайпа» жамоалари баҳсини ҳам кузатди.

Хўш, «Бунёдкор» бош мураббийи Миржалол Қосимов энди клубдан кетадими? Бунинг устига у миллий терма жамоага ҳам бош мураббий этиб тайинланди. ОАВ вакиллари «Бунёдкор»нинг «Сайпа» билан ўйини олдиран М.Қосимовдан бу ҳақда сўрашди.

— Терма жамоа билан ишлаш ҳар доим фахрли, — деди М.Қосимов. — Биласиз, 4-саралаш босқичини термаимиз иккита мағлубият билан бошлади. Энди вазиятни ўнглашга ҳаракат қиламиз. Қосимов «Бунёдкор»дан кетармиш деган миш-мишлар ноўрин. Мен ҳеч қабққа кетганим йўқ. «Бунёдкор»ни тарихда қоладиган энг масъулиятли ўйинга олиб тушаман.

«Бунёдкор» — «Сайпа» жамоалари ўртасида ўтган Осиё чемпионлар лигаси чорак финалининг жавоб учрашуви барча муҳлис ва мутахассисларнинг диққатини ўзига тортгани аниқ. Бу ўйин 5:1 ҳисобида футболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди.

Тўпларни вакилларимиз томонидан Хосе Луис Вильянуэва (3 та), Ривалдо ва Луизао киритишди.

«Бунёдкор» жамоаси ярим финалда Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» клуби билан баҳс олиб боради. Австралияликлар Япониянинг «Кашима» жамоасини 1:0 (биринчи ўйин 1:1) ҳисобида мағлуб этишди.



Россиянинг **Нижний Новгород** шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасида **МДХ кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Унда олти та терма жамоа иштирок этди.**

Қойил!

Абхазия, Украина, Молдова, Россия-1, Россия-2, Ўзбекистон. Анвар Исмоилов шоғирдлари тўртта ўйинда юз фоизлик натижани қайд этишди: Абхазия — 8:0, Молдова — 14:0, Украина — 8:0, Россия-2 — 9:0. Шунингдек, Россия-1 терма жамоаси ҳам ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаган ҳолда баҳсларда зафар кучди: Абхазия — 12:0, Молдова — 17:0, Украина — 6:0 ва Россия-2 — 7:0. Ўзбекистон ҳамда Россия терма жамоалари ўртасидаги ҳал қилувчи ўйин эса 1:1 ҳисобида якунланди. Урилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбати бўйича Россия термаси бош совринни кўлга киритди. Ўзбекистонлик **Зоҳид Тошхўжаев** «Энг яхши дарвозабон» ва **Абдужамил Шукуров** 17 голи билан «Энг яхши тўпурар» деб тан олинди. Шу билан бира, **Аъзам Исмаилов** ва **Павел Сулейманов** махсус соврин билан тақдирланди.

«Пума» — янги ҳамкоримиз

Ўзбекистон футбол федерацияси спорт маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган машҳур «Пума» компанияси билан янги ҳамкорлик ва ҳомийлик шартномасини имзолади. УҲФ президенти **М.Усмонов** билан компания вице-президенти **Хорст Видманн** ўртасидаги учрашув чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада қучайтириш масалалари хусусида фикр алмашилди. Таъкидлаш керакки, «Пума» айни пайтда спорт маҳсулотлари ичида жаҳон чемпиони ҳисобланади. Яъни, ушбу савдо белгиси остида майдонга тушадиган Италия терма жамоаси сўнгги мундиал чемпиони бўлиб, «Пума»нинг нуфузи ошишига замин яратиб берган эди. Компания билан дунёнинг 27 та терма жамоаси ҳамкорлик қилади.

Мезбонлар ютуғи

Бухоро шаҳрида маҳалла болалари ўртасида «Футболимиз келажиги» республика аънавий турнири якунланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорликда ташкил этган турнирда қуйи босқичларда сараланган «Жондор» (Бухоро), «Марказ» (Андижон), «Бугдойчи» (Фарғона), «Пахтазор» (Қашқадарё) жамоалари голиблик учун курашдилар.

Бухоролик ва андижонлик футболчилар ўртасидаги финал баҳсида майдон эгалари зафар кучди — 2:0. Учинчи ўрин эса Қарши шаҳрининг «Пахтазор» маҳалласи жамоасига насиб этди.



Шиддатли жанг ва нокаут

Россияда ўтган профессионал бокс кечасида фарғоналик **Ғайрат Абдуҳакимов** саккизинчи учрашувини россиялик **Вячеслав Поляков**га қарши ўтказди. Боксчимиз саккиз раундга мўлжалланган жангда рақибига нисбатан дадил ҳаракат қилиб, кучли ва аниқ зарбалар беришга эришди. Оқибатда профессионал рингда йигирма биринчи жангини ўтказган россиялик боксчини өттинчи раундда техник нокаутга учратиб, навбатдаги рейтинг очколарига эга бўлди. Яна бир чарм кўлқоп устаси, 22 ёшли **Илҳом Раҳимов** профессионал боксчилик фаолиятини тўрт ой аввал бошлаган бўлса-да, муҳлис-у мутахассисларга зарбаси кучли боксчи сифатида танила бошлади.

У аввалги икки жангида анча тажрибали боксчилар — россиялик **Равил Муҳаммадёр** ва тожикистонлик **Шухрат Усмонов**ни енгган эди. Чустлик боксчининг учинчи жангда Россия вакили **Равил Шалагин**дан устунлигини исботлаши учун бир неча сония кифоя қилди. Тўрт раундлик жангнинг бошидаёқ **Илҳомнинг** кучли зарбасини ўтказиб юборган рақиб техник нокаутга учради.

«Матиз» муборак бўлсин!

Пойтахтимиздаги «Универсал» гимнастика марказида бўлиб ўтган 29-ёзги олимпиада ўйинлари совриндорлари — **Антон Фокин** ва **Екатерина Хилкони** шарафлашга бағишланган гимнастика байрами ўтказилди. Тадбирни Ўзбекистон гимнастика федерацияси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуриндаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этди. Унда бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, акробатика, трамполин бўйича энг моҳир спортчилар, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари қатнашдилар. Шунингдек, олимпия ўйинлари совриндорларига «Матиз» автомашиналари совға қилинди.

Россияда ўсмирлар ўртасида байдарка ва каноэда эшқак эшиш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда ҳамюртимиз **Ксения Полунина** иштирок этиб, 500 метр масофада бронза медалига эришди. Эслатиб ўтамиз, 18 ёшга кирган **Ксения жорий йилнинг май ойида** катталар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида ҳам голиб чиққан эди. У **Чирчиқ олимпия захиралари коллежида** таҳсил олади. Устозлари **Виолетта Шубина** ва **Рашид Мусаев**.



Учувчиларнинг хатоси

«Коммерсант» газетасининг чоршанба кунги сониди ёзилишича, «Аэрофлот Норд» авиакомпаниясига қарашли «Boeing 737-500» самолётининг Перм аэропортига қўниш чоғида ҳалокатга учрашига учувчиларнинг хатоси сабаб бўлган.

Ҳодисани ўрганаётган техник комиссия экспертлари ҳалокатга техник муаммолар сабаб бўлмаган деган хулосага келишди. Улар етарлича малакага эга бўлмаган учувчилар қўниш чоғида хатога йўл қўйган деган фикрда. Учувчилар диспетчернинг пастлаш ҳақидаги буйруғини олгач, негадир бунинг аксини қилишган. Улар билан диспетчер ўртасидаги мулоқотнинг расшифровкаси учувчилар пастлашиш ўрнига баландлашиб кетганини фақат ердаги парвозларни бошқариш хизмати орқали билишганини кўрсатади.

Тахминларга кўра, «Boeing»да учиш борасида унча катта тажрибага эга бўлмаган учувчилар (улар асосан «Ту-134» ва «Ан-24»да ишлашган) самолёт приборларининг авиагоризонт ҳақидаги кўрсаткичларини тўғри баҳолай олишмаган, шу боис ҳавода мўлжални йўқотишган. Бу тахминни диспетчернинг «айланиб келиб қўнишга қайтадан ҳаракат қилинг» деган буйруғини олгач, учувчилар қайси томонга бурилиш ҳақида ўзаро баҳслашиб кетишгани ҳам тасдиқлайди.

Япония ҳукумати истеъфога чиқди

Япония ҳукумати бош вазир Ясуо Фукуда бошчилигида чоршанба кунги эрталаб расман истеъфога чиқди. Бу ҳақда AP агентлиги хабар беради. Ҳокимият тепасидаги Япония либерал-демократик партияси вакили Таро Асо мамлакат бош вазири этиб тайинланди.

Таро Асо янги ҳукуват таркибини ҳали эълон қилмаган бўлса-да, Япония оммавий ахборот воситалари Ташқи ишлар вазири лавозимига собиқ бош вазирлардан бўлмиш Ясухиро Накасонэнинг ўғли Фумихиро Накасонэ тайинланиши ҳақида хабар беришяпти. Шунингдек, эски ҳукуватдаги айрим вазирлар ҳам бошқа вазирликларга раҳбарлик қилишлари мумкинлиги ҳақида фикрлар билдирилган.




Ишонч йўқ, умид бор...

Олимлар Марсда ҳаёт излари қидириладиган учта жойни танлаб олишди. NASA астрономлар, геологлар ва биологлардан иборат 150 кишилик гуруҳнинг тавсияларига асосланиб MSL (Марс илмий лабораторияси) апаратини айнан қаерга қўндириш масаласини ҳал қилади.

Олимлар танлаган уч жой ҳам қачонлардир сув бўлган, тирик организмлар изи топилиши мумкин деб тахмин қилинаётган кратерлардир.

MSL апаратини ушбу сайёра сатҳига 2009 йил 15 сентябр — 4 октябр оралиғида тушириш режалаштириляпти. Ушбу миссия ташкилотчилари шу орқали Марсда ҳаёт излари топилишига ишонмаётган бўлсалар-да, бу операция Кўёш системасидаги энг яқин қўшнимиз ҳақидаги билимларимизни қўлайтиради деб умид қилишмоқда.




Барибир рус кемаларига эҳтиёж бор

АҚШ сенатининг ташқи ишлар кўмитаси сешанба кунги NASAга Россиянинг «Союз» космик кемаларидан фойдаланишда давом этишга рухсат берди. Шу ҳақдаги қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун АҚШ конгрессининг юқори палатасига тақдим этилди, кейин уни президент имзолаши зарур.

АҚШ 2000 йили Эронга ядро технологияларини бермаслик тўғрисидаги қонун доирасида Россияга қарши санкция жорий этган, Россия Эрон билан ҳамкорлигини тўхтатмагунча унинг «Союз»лари ва бошқа космик асбоб-ускуналаридан фойдаланиш тақиқланган эди. 2005 йилнинг кузида қонунга тузатиш киритилиб, рус кемаларини сотиб олишга ижозат берилган.

Шундан сўнг 2008 йилнинг апрел ойигача NASA «Роскосмос» билан Халқаро космик станция (ХКС)га Америка астронавтилари ва юқларини Россия кемаларида етказиб бериш тўғрисида умумий суммаси 1 млрд доллардан ошувчи бир нечта шартнома тузган.

АҚШ 2010 йилдан бошлаб шаттлар парвозини бутунлай бекор қилишни режалаштиряпти. Шундан кейин «Союз»лар Американинг янги «Орион» кемалари 2015 йили ишга туширилмагунча фазогирларни ХКСга етказишнинг ягона воситаси бўлиб қолади.



Дунёда энг қиммат уйлар қаерда?

«Knight Frank» консалтинг компанияси ўтказган тадқиқот натижасига кўра Монакода жойлашган сара уй-жойлар дунёда энг қиммат деб топилди. Бу борада у Лондондан ўзиб кетди. Жорий йилнинг иккинчи чорагида Монакодаги сара квартираларнинг қиймати ўртача 30 фоиз ошиб, квадрат-метрининг баҳоси 83,6 минг долларга етган. Буюкбритания пойтахтида эса бу кўрсаткич 1,8 фоиз кўпайиб, 67,7 минг долларни ташкил этган.

Сара уй-жойлар харидорлари фаоллигининг пасайиши 2007 йили бошланган глобал кредит инқирози билан боғлиқ.

«Knight Frank»нинг маълумот беришича, бир йил олдин Лондон марказида 1 квадрат-метр уй-жойнинг баҳоси 64 минг доллардан кўпроқ бўлган. Монако 2-ўринни (47 минг долларга яқин), Нью-Йорк 3-ўринни (34 минг доллардан кўпроқ) эгаллаган.



Қонун талаби қандай?

«Телеграф» нашрининг хабар беришича, Рига аэропортида жойлашган «Coffee Nation» кафесининг официанти мижозга рус тилида гапирганлиги учун ҳақоратланган. Г.Андрис деган киши унга бир чашка қайноқ қаҳвани селиб юборган.

Кафе раҳбарияти эса ўз ходимлари латиш тилини тил инспекторлари талаб қиладиган даражада билишларини таъкидлаяпти.

Ушбу ҳодисадан сўнг Г.Андрисни Латвия давлат тили маркази қўллаб-қувватлаб чиқди. Марказ вакили Дзинтра Каделенинг гапига қараганда, аэропортнинг кафе жойлашган транзит зонасида Латвия қонунларига амал қилинади, жумладан, давлат тили тўғрисидаги қонунга ҳам.

Шунга қарамай полиция безорилик қилганлиги ва официанти сўкканлиги учун Г.Андрисга 50 лат (105 АҚШ доллари) миқдорда жарима солди.

Интернет хабарлари асосида Жавдатбек ШАВКАТ ўғли тайёрлади

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент архитектура ва қурилиш институти бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси

Олим ХАЛИКУЛОВнинг

вафоти муносабати билан унинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ва кенгаш тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қасаба уюшма ташкилотлари Тошкент архитектура-қурилиш институти бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси

Олим ХАЛИКУЛОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Руҳият иқлимлари

Сиз қандай одамсиз?



1. Тасаввур қилинг, ўрмондасиз. Атроф-муҳитни тасвирлаб беринг (фасл, об-ҳаво, куннинг қайси пайти: эрталаб, кундузи, кечқурун...).

2. Манзилга етишингиз учун сизда икки йўл бор. Биринчиси — узоқ вақт кетса ҳам текис, раво йўлдан борасиз ёки қисқа, лекин сўқмоқ йўлни танлайсиз.

3. Йўлда кетаётганингизда олдингиздан занжирбанд, яраланган айиқ чиқиб қолди. У сизга мўлтираган кўзлар билан «қутқар» дегандек тикила бошлади. Унга жуда раҳмингиз келди, аммо шуни яхши биласизки, қутулгач айиқ сизга ҳамла қилиши мумкин. Харақатингиз:

а) хавфли бўлишига қарамай, уни албатта қутқарман;

б) жуда ачинаман, лекин ёрдам беролмайман, нима

бўлганда ҳам «жон ширин».

4. Йўлингизда давом этаяпсиз, бирданга қонхўр, оч бўри сизга ташланмоқчи бўлди. Сиз:

а) орқа-олдимга қарамай вақт борлигида қочиб қоламан, ахир бўри билан тенг келиб бўладими;

б) бўрининг кўзига тик боқиб, дадил курашаман.

5. Жудаям қорнингиз очқади, афсуски, ёнингизда ейишга ҳеч вақо йўқ. Атрофга қараган эдингиз, дарахтда жудаям чиройли, қип-қизил, фарқ пишган олмани кўриб қолдингиз. Лекин ўрмонга ишониб бўладими, олма захарли бўлса-чи?! Нима қилган бўлардингиз?

6. Энди тасаввур қилинг, чўлда юргандек чанқадингиз, олдингиздан кўлмак сув чиқиб қолди. Ундан сув ичасизми ёки йўқ?

7. Йўлда кетаётиб чиройли отлар уюрига дуч келдингиз, улар бемалол ўтлаб юришибди. Сизнинг харақатингиз...

8. Ўрмон ичида ажойиб кулбага кўзингиз тушди. У сизни жуда қизиқтириб қолди, аммо ичида ким ёки нималар борлигини билмайсиз. Нима қиласиз?

9. Олдингиздан осмондек мусаффо, зилол сув чиқиб қолди. Сиз қандай харақат қилган бўлардингиз?

10. Манзилингизга яқинлашиб қолдингиз, йўлда деворга дуч келдингиз. У унчалик баланд эмас, яъни сакраб ўтса бўлади, узун ҳам эмас, айланиб ўтса бўлади. Сиз нима қилган бўлардингиз?

Жавоблар:

1. Ўрмон — инсон ҳаёти: фасл — ўтмиши, куннинг пайти эса ҳозирги даври. Масалан, «Куз. Ҳаво булут, лекин қуёш чиқмоқчи бўлиб турибди. Атрофда майин шамол эсиб, қушларнинг сайраши эшитилмоқда, ҳозир пешин, ҳаво жуда ёқимли...» деса, демак, унинг ўтмишида бироз кўнгилсизликлар бўлган, аммо ҳозирга келиб улар унут бўлиб бормоқда, ҳаёти қизиқарли ва мазмунли тус олаётир.

2. Текис йўлни танлаган инсон қийналиб бўлса-да, ўз мақсади томон ҳалол йўллар билан боришга интилади, ундайлар ҳаётда унчалик таваккалчи бўлавермайди, шунинг учун ҳам баъзида ўйлаган мақсадларини амалга оширолмай қоладилар.

«Сўқмоқ» йўлни афзал кўрувчилар эса мақсадга етиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Ундай инсонлардан хавфли рақиб чиқади, лекин бу улар ёмон одамлар тоифасидан дегани эмас.

3. Айиқ — сизнинг ёрдамга муҳтож дўстингиз.

4. Бўри — душманингиз.

5. Олма — ўзга жинс вакилларига бўлган ишончингиз ёки қисман муносабатингиз.


6. Кўлмақдаги сув — сабр-тоқат белгиси.

7. Отлар — қарама-қарши жинс вакиллари. Масалан, отлар ичидан энг чиройлисини танлаб олсангиз-у лекин олдида боришдан кўрсангиз, демак, сиз бу борада иккиланувчансиз. Қачон ўзи келаркан деб кутиб ўтираверасиз, «олма пиш — оғзимга туш» қабилида иш кўрасиз ва шу «иккиланувчанлигингиз» оқибатида бахтингизни қўлдан чиқариб юборишга ҳам тайёрсиз.

8. Кулба — бўлажак оилангизга бўлган муносабатингиз.

9. Зилол сув — бойликка қай даражада қизиқувчанлигингиз.

10. Девор — ҳаётда юз бериши мумкин бўлган қийинчиликлар. Агар сиз айланиб ўтсангиз, демак, бир бурчакда қўл қовуштириб, ушбу нохушлик ўтиб кетишини кутасиз. Агар сакраб ўтсангиз, сиз «темирни қизғида бос» дейдиганлар тоифасидансиз. Нохушликларга дадил, юзма-юз жавоб бера оласиз. Ушбу қатъиятлилигингиз, албатта, сизга омад келтиради.



(29 сентябрь - 5 октябрь)

КУЙ
Ҳафта бошиданок маблагингиз кўлайишига сабаб бўладиган буюк режалар сизга тинчлик бермайди. Жума ва шанба кунлари ортиқча ваъда бериб юборишдан тийилинг. Дам олиш кунлари хонадонингиздаги меبل жижоэлари жойини ўзгартириш фикри тугилса, дарҳол ишга киришинг.

БУЗОК
Иможингизни ўзгартиринг. Куз фаслига мос келадиган кийимлар харид қилиш вақти келди. Сизни қутилмаган совғалар кутмоқда. Дам олиш кунлари уйда ўтиргандан кўра, сафарга чиқиб, табиатдан баҳра олишни маслаҳат берамиз. Спорт билан шуғулланг.

ЭТИЗАКЛАР
Ҳафта хизмат сафарларига чиқиб, шартномалар имзолаш, кўчмас мулк сотиб олиш учун жуда қўлай. Уй-жой таъмирлаш ишларини мутахассис билан маслаҳатлашиб бошлаган маъқул. Дам олиш кунлари бўш вақтингизни оилангизга бағишланг.

КИСКИЧБАКА
Муҳаббат бобида ёқимли лаҳзалар сизни доводиратиб қўямасин. Ақл билан иш тутсангиз хатога йўл қўймайсиз. Соғлигингизга бепарқ бўлманг. Шифокор кўрсатмаларини тўлиқ бажаринг. Хар бир ишни ўз имкониятингиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширинг.

АРСЛОН
Узоқ айриликдан сўнг бўладиган учрашуве сизга боғалик дуврингизни эслатади. Расмий доирада бўладиган учрашувларга келиб юрманг. Бу иш фаолиятингизга салбий таъсир қилиши мумкин. Ҳафта охирига фарзандларингиз билан табиат қўйнида мериқиб дам оласиз.

ПАРИЗОД
Оила қуриш истагингизни яқинларингиз қўлаб-қувватлайдилар. Сешанба кунини йирик молливиёй таклиф тушади. Бироқ, чуқур мулоҳаза қилиб, сўнг қарор чиқарганингиз маъқул. Тадбиркорлик фаолиятингиз янада самара беради. Натijojeда, даромдингиз ҳам ошади.

ТАРОЗ
Фарзандлар тарбияси билан жиддийроқ шуғулланг. Шайх хайитингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этасиз. Оилангизда янги меймон дунёга келиши мумкин. Рақибингиз кўнглини кўтаришга харақат қилинг. Дам олиш кунларини янгиликларга бағишланг.

ЧАЕН
Ўйлаб юрган режаларингизни амалга ошириш учун иқтидор ва билимингизни амалда қўлаш вақти келди. Пайшанба ва жума кунлари соғлигингизга эҳтиёт бўлинг. Зиддиятли ҳодисалар юз беришининг олдининг олинг. Бўш вақтингизни клубонда ўтказинг.

УҚОТАР
Ўз истеъдод ва маҳоратингизни намойиш этиш вақти келди. Ҳафта давомида ўтган ойдан қолиб кетган ташвишлардан ҳам қутуласиз. Дам олиш кунлари янги режалар туғилиши кутилмоқда. Гўзаллик салонларига ташриф буюринг. Соч турмаингизни ўзгартиринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ
Душанба кунини дўстингиздан янги хабар эшитасиз. Иш юзасидан бўладиган таклифларга асло рози бўлманг, чунки сиз учун зарарли бўлиши мумкин. Муаммоларингизни яққа ҳолда ечишга харақат қилманг. Дўстларингиз кўмағига таянинг. Ота-онаингизни зиёрат қилинг.

КОВБА
Соғлигингиз ёмонлашайтганини ҳис этсангиз парҳез ушланг. Дам олиш кунлари шайхсий автомобил ёки компьютер харид қилиш учун омадли бўлади. Яшанбада шафэр ташварисига чиқиб, кунни мазмунли ўтказинг. Харид қилиш учун Ҳафта жуда омадли келади.

БАЛИК
Яқин кўнглингиз сиз учун қутилмаган совға таяёрламоқда. Тановидан тўғри хулоса чиқаришга харақат қилинг. Камчиликлар устида кўпроқ ишланг. Ҳафта ўртасида мактос эшитилишингиз, ҳатто мурофот олишингиз мумкин. Шейпинг, фитнес клубларга фарзандларингиз билан борсангиз соғлом бўласиз.

Изоҳи сиздан...



Рамазон айтиш учун, Бирга чиқайлик, дўстим. Агар «маска» киймасам, Мени танийди қўшим.

Укамга кимман десам Кулади қиқир-қиқир: «Аниқ билмайману, лек Хайвонсиз-да барибир».

Боймурод ШЕРМАТОВ, Юнусобод тумани

Нурзод РАЖАБОВ, Ҳамза тумани

Ғазаб келса албатта Боқинг итнинг кўзига Нотўғри бу деганнинг, Қулоқ солманг сўзига.

Чунки ит азал-азал, Меҳру вафо тимсоли. Шундан енгил тортасиз, Ғазабдан бўлиб холи.

Асадулла МИРЗААҚБАРОВ, «Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари кўмитаси раиси



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнгирик қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж. Шарофбоев Навбатчи - А. Абдуллаев Мусаҳҳих - Ш. Абдусаматов
	Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масьул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Коржона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (П) белгиси остида чоп этилади.	Буюртма Г— 814 Тиражи: 11004 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топшириш вақти - 21.30 Сотувда эркин нархда